Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 7 январь
ПАЙШАНБА
№ 5 (4.201).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ЎҚИШ, ЎҚИШ ВА ЯНА ЎҚИШ

Қишлоқ меҳнаткаши билимдонлигини оширайлик

Мамлакатимиз солномасига зарҳал саҳифалар битилган 1987 йил — Улуғ Октябрнинг шонли юбилейи йили якунлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизни чинакам инқилобий қайта қуриш, жамиятни демократиялаш ва ошкоралик йўлидан комил ишонч билан олға бошлаб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Совет кишилари фаоллиги ўсганлиги, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайганлиги, сифати яхшиланганлиги шундан далолат беради.

Бироқ эришилган натижалар билан кифояланиб қолиш мумкин эмас, чунки мавжуд резерв ва имкониятларимизнинг ҳаммаси ҳам сафарбар этилгани йўқ, баъзи тармоқлар аниқ ва бир маромда ишлашмаяпти. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев совет халқига янги йил мурожаатида бундай деди: «Олдимизда бир-бири билан боғлиқ бўлган иккита энг муҳим вазифа — жамиятни янада демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш вазифалари турибди.

1 январдан бошлаб Давлат корхонаси тўғрисидаги қонун кучга киради.

Бу кўпгина меҳнат коллективлари тўла хўжалиқ ҳисоби, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш шароитида ишлайди ва яшайди, демакдир.

Бу ҳамма ишлаб чиқаришнинг тўла хўжайини бўлишга ўрганиши зарур, демакдир».

Кириб келган янги, 1988 йил агросаноат комплекси меҳнаткашлари учун туб бурилиш, экономикани бошқаришни ислоҳ қилишда амалий йил бўлиб қолиши лозим. Аҳолини озиқ-овқат, саноатни эса аъло сифатли хом ашё билан таъминлашни яхшилашдаги реал силжишлар ҳар бир колхоз, совхоз, қайта ишлаш корхонаси, АСК бошқарув органлари фаолиятини белгилашда асосий мезон ҳисобланади.

Ортага қўйилган мақсадга эришиш осон бўлмайди. Аммо бошқача йўл йўқ, партия талаби, давр талаби шундай. Вазифа шу тарзда илгари сурилаётган экан, енг шимариб, ҳеч депсинмай амалий ишларга қўл уриш лозим.

Ҳозирги пайтда биз учун энг муҳими нима, диққат-эътиборни қайси масалага қаратмоғимиз зарур? Хўжалик механизмини қайта қуриш энг аввало меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шаклларини кенг қўлланишни, коллектив, оила ва ижара пудратига дадил ўтишни талаб этаяпти. Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, ҳар бир участкада ҳам ўз соҳасини пухта биладиган, ҳам пул санай оладиган ҳақиқий хўжайин турсин.

Бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Жавоб битта: янгича ишлашга ўрганиш зарур. Бугунги кунда агротехника ва экономикани пухта билмай туриб муваффақиятни қўлга киритиш амри-маҳол. Шунинг учун ҳам ҳозирги босқичдаги бош вазифалардан бири оддий колхозчи ва совхоз ишчисидан тортиб РАПОлар, область агросаноат комитетлари ва республика органларининг раҳбарларигача — ҳамма-ҳаммани илғор иш усулларига ҳамда хўжалик юритишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленумида таъкидланганидек: «Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, таълим маърифий тусда бўлмасин. Ходимларнинг ҳар бир категорияси учун махсус ишлаб чиқилган программа асосида умумий таълим бериш кадрларимизни кундалик практикада асосий иқтисодий категориялардан иш қуроли сифатида фойдалана олишга ўргатиши керак. Бусиз замонавий раҳбар бўлиши мумкин эмас».

Эътироф этиш керакки, кадрларни хўжалик юритишнинг янги усулларига ўргатиш ишида ҳозирча қатор камчиликлар, қусурлар бор. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ҳар йили махсус программалар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларда ким, қаерда ва қачон ўз билимини оширши аниқ-равшан белгилаб қўйилади. Бироқ бундай машғулотлар кутилган самарани бераяптими! Афсуски, йўқ. Буни қуйидаги фактлар ҳам кўрсатиб турибди: асосий экинимиз — пахта ҳосилдорлиги йил сайин пасаймоқда, 1987 йилда гектар ҳисобига 23,3 центнердан, бошқача айтганда 1985 йилдагига нисбатан 3,7 центнердан кам пахта етиштирилди. Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг 60 дан ортиқ совхози ҳар гектар майдондан ўртача 10 центнердан ҳосил олмоқда. Улар йилига 45 миллион сўмдан зиёдроқ зарар келтирмоқдалар. Ваҳоланки, ана шу хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари, ўрта бўғин кадрлари ва ишчилари ўз билимларини мунтазам «ошириб», турли курслар ва илғор тажриба мактабларида ўқиб келишаяпти-ку.

Мана, 1988 йил қиш даври учун ҳам Агросаноат давлат комитети АСК барча ходимларини ўқитиш программасини ишлаб чиқди. Шунга кўра кўпчилик деҳқонлар, чорвадорлар, қайта ишлаш тармоқларининг ходимлари умумтаълимга жалб этилади. Ҳозирги пайтда қишлоқда 16 мингдан зиёд иқтисодий билимлар мактаби ишлаб турибди, уларда қариб 476 минг механизатор, сувчи, ишчи шуғулланмоқда.

Кўрамизки, деярли ҳамма оддий ходимлар ўқишга жалб этилган. Бироқ бошқа бир факт ташвиш туғдираяпти. Колхоз ва совхозларда турли диаграмма ва схемалар, бошқа хил кўргазмали агитацияга эга бўлган, иқтисодий билим асослари ва илғорлар тажрибасини чуқурроқ ўрганиш учун техник воситалар қўлланиладиган бор-йўғи 1.552 та иқтисодий билим кабинети ташкил этилган, холос. Республика миқёсида олганда бу жуда камлик қилади. Район партия комитетлари, халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари, хўжаликларнинг партия ташкилотлари секретарлари, қишлоқ Советлари раислари ўқув ўтказиладиган барча хоналарни зарур адабиётлар, кўргазмали агитация билан жиҳозлаш чораларини тездан кўришлари лозим.

Кўпчилик жойларда иқтисодий ўқувга тажрибали, ташаббускор пропагандистлар раҳбарлик қилишмоқда. Бироқ улар орасида хўжаликларнинг бош мутахассислари, яъни конкрет тармоқ тараққиётн учун бевосита жавобгар кишилар йўқлиги ачинарли ҳолдир. Қариб 16 минг пропагандист орасида улар 20 процентдан камроқини ташкил этадилар. Ахир, ким-ким, бош мутахассислар иш аҳволини яхши билишади-ку!

4 январдан буён агросаноат комплексини бошқариш республика олий мактабида Узбекистоннинг ҳамма областларидан келган РАПО раислари ўқишмоқда. Бунга қадар область агросаноат комитетлари ва РАПОлар раисларининг ўринбосарлари, АСК қурилиш ташкилотлари иқтисодий хизматларининг раҳбарлари туркум лекциялар тинглашди. Кейинчалик район агросаноат бирлашмалари раисларининг деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича ўринбосарлари ўқувини ташкил этиш планлаштирилган. Умуман олганда кўкламга қадар АСК хизматларининг барча раҳбарлари ана шу олий мактабда ўз билимларини мустаҳкамлашлари зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, республика олий мактабида ўқиш ҳамма учун бенстисно бўлгани ҳолда баъзи РАПОлар ва область агросаноат комитетларининг раҳбарлари нима сабабдандир машғулотларни инкор этишаяпти. Масалан, ҳозирги пайтда ўқишга чақирилган 156 район агросаноат бирлашмаси раисидан фақат 105 киши келган. Агросаноат давлат комитетида баъзилар олий партия мактабида имтиҳон сессиясида, бошқалар отпускада ёки бетобдирлар, деб изоҳ беришади. Ваҳоланки, машғулотларнинг муддатлари олдиндан маълум бўлган, меҳнат отпускасига кейинроқ чиқариш ҳам мумкин эди-ку.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети оммавий касб кадрлари, ўрта бўғин раҳбарларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг кенг программасини ишлаб чиқди. Унда 120 мингдан ортиқ киши ўз касбига оид билимини ошириши, 19 минг киши эса иккинчи касбни эгаллаши кўзда тутилганки, коллектив ва оила пудратига ўтилаётган ҳозирги пайтда бу жуда муҳим. Машғулотлар асосан 26 та базавий хўжаликда, яъни республиканинг энг илғор колхоз ва совхозларида ўтказилади. Шунингдек, 15 та ўқув-курс комбинатларида ҳам машғулотлар олиб борилади. Қариб 7 минг киши районлардаги ўқув пунктларида қишлоқ хўжалиги бўйича касб эгаллайди.

Республиканинг кўпчилик областларида шундай комбинат ва пунктлар иш бошлаб юборди. Андижон, Наманган, Бухоро, Жиззах областларида бундай ўқув пухта ташкил этилди. Навоий, Қашқадарё, Хоразм областларида эса ишни ҳеч йўлга қўйиша олмаяпти, комбинатлар кўргазмали агитация билан етарли таъминланмаган, техник воситалар билан жиҳозланмаган. Шундай экан, машғулотлардан кутилган самарага эришиш қийин.

Ҳозирги қиш кунларида одамлар ўз касбларига оид ва иқтисодий билимларни пухта эгаллашлари учун ҳамма зарур шарт-шароитни яратиб бериш партия, совет ва хўжалик органларининг муҳим вазифасидир. Ҳар бир лекция, амалий машғулот жонли, қизиқарли ўтишига эришиш, тингловчилар фикр алмашиш имкониятига эга бўлишлари шарт. Ўқишга келганларга маданий ҳордиқ чиқариш учун қулай шароит яратиб бериш лозим.

Ун иккинчи беш йиллликнинг учинчи йили — Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси йили. Республикамиздаги ҳамма коллективлар ана шу ажойиб сана шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар. Белгиланган марраларни муваффақиятли адо этиш учун одамларни касб-корга оид ва иқтисодий билимлар билан қуроллантириш зарур. Бугунги кун талаби, қайта қуришнинг ҳал қилувчи даври талаби бу. Акс ҳолда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Ўтган йили Қамаши районидаги «Фарғона» совхозининг 1-сут-товар фермаси сигирсоғарлари давлатга 306 тонна, яъни белгиланганидан 3 тонна кўп сут сотишган эди. Бригада пудрати усулида ишлаётган меҳнат аҳли жорий йилда эришилган ютуқни янада мустаҳкамлаш, оқ чашма миқдорини ошириш ниятида астойдил ҳаракат қилмоқда. Беллашувда Санобар Муҳаммадиева билан Гулбаҳор Рустамова пешқадам. Улар ҳар говмишдан кунига 11 литрдан сут соғиб олишаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Моҳир сигирсоғарлар С. Муҳаммадиева (чапдан) ва Г. Рустамова. 2. Жамғарилган емхашак икки қишловга етади.

Ш. ШАРОПОВ фотолари. (ЎзТАГ).

«Қишлоқ ҳақиқати» оталиққа олади

СУРХОНДАРЁ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА ЎТДИ

1988 йил 1 январдан бошлаб РСФСР, Белоруссия ССР, Литва ССР ва Латвия ССР Агросаноат давлат комитетлари, саккиз область агросаноат комитети тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида ишлашга ўтдилар. Агросаноат комплекси хўжаликлари, корхоналари ва ташкилотларининг иш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги юксак пировард натижаларга эришишдан манфаатдорлигини кучайтириш, шу асосда саноатни хом ашё, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш мақсадида шундай қилинди.

Сурхондарё области юксак рентабеллик хўжаликлари кўп, зарар келтирувчилари эса кам бўлган область сифатида мамлакатда биринчилар қатори хўжалик юритишнинг янги системасига кўчирилди. Ҳозирги пайтда область агросаноат комитети ўн икки РАПО, улар тасарруфидаги 48 колхоз ва 67 совхозни, собиқ «Сельхозтехника»га қарашли 12 та хизмат кўрсатувчи корхонани, 7 та давлат қурилиш ташкилоти ва бошқа коллективларни бирлаштирган.

Область хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишидан олдин агросаноат комитетининг молиявий аҳволини соғломлаштиришнинг бошланғич программаси амалга оширилди. Янги системада ишлаш колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун қулай шарт-шароит вужудга келтириш, мамлакат Озиқ-овқат программаси ижросига қўшиладиган ҳиссани кўпайтириш имконини беради.

«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси янгича ишлашнинг биринчи йилида амалга ошириладиган улуғвор тадбирларнинг бажарилишини оталиққа олади. Газета саҳифаларида агросаноат комплекси серқирра ҳаётини акс эттирувчи материаллар мунтазам бериб борилади, иш тажрибалари умумлаштирилади, йўл қўйилаётган камчиликларнинг сабаблари очиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII пленуми кўрсатмалари асосида

АЛМАШЛАБ ЭКИШ—ЕРНИ ЯШАРТИРИШ

Шеробод районидаги Усмон Юсупов номли совхоз деҳқонлари алмашлаб экишни тўлиқ ўзлаштирмасдан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан туриб экилар ҳосилдорлигини ошириш мумкин эмаслигини тан олдилар.

Хўжалигимиз деҳқонлари 1986 йилда 3.043 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан, юбилей йилида эса 24,3 центнердан пахта етиштирдилар. Йиллик планнинг бажарилиши учун атиги 345 тонна етмади. Лекин бир қисм ҳосил ерда қолди. Чунки фурсат ўтгач, фақат тўртинчи сортга топшириладиган пахтадан даромад бўлмаслигига кўзимиз етгач, ҳар бир чаноқ деҳқонларимизнинг пешона тери эвазига бунёдга келганлигидан қатъий назар ундан воз кечишга мажбур эдик. Ҳозир мутахассислар, деҳқонлар билан биргаликда келгуси ҳосил тақдири тўғрисида бош қотираяпмиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленумида пахтачиликни ривожлантириш, тармоқдаги жиддий камчиликларни тугатишда партия ташкилоти олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Уларнинг бари долзарб эканлиги ҳаммамизга аён. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда пахтачиликда вужудга келган камчиликларни бартараф этиш учун хўжалик раҳбаридан тортиб оддий деҳқонгача енг шимариб, астойдил меҳнат қилиши тақозо этилади.

Совхозимизда кейинги йилларда пахта сотиш плани бажарилмасдан қолаверди. Бунинг устига кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш ҳоллари деҳқоннинг кўнглини совутиб қўйганлиги ҳеч кимга сир эмас. Эътироф этиш керак, баъзи деҳқонлар ерга, ғўзага муомала қилишнинг оддий қоидаларини унутиб қўя бошладилар.

Албатта, бу иллатдан бир йўла халос бўлиш осон эмас. Ҳа, ғўдакни тетапоя қилиб юришга ўргатганларидек, деҳқонни ҳам виждонан, пок ишлашга, фақат меҳнат туфайли мўл ҳосил етиштириб планни бажариш керак-лигига қайта бошдан ўргатишга тўғри келаяпти. Бизнингча, 1986 йилда далаларимизда етиштирилган ҳосил эвазига ёруғ юз билан планни бажарганлигимиз худди шу мақсадда олға ташланган қадам эди. Экин майдонларимизнинг мелиоратив ҳолати яхши бўлмасада, деҳқонларимиз фидокорона меҳнатлари туфайли планни адо этишди. Кўзбўямачиликсиз, қўшиб ёзишларсиз бажариш мумкин эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдилар. Пахтачиликнинг ўзидан 4 миллион 652 минг сўм соф фойда олдик. Совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорликлари ошди.

Юбилей йили планининг бажарилмасдан қолишига келсак, йил якуни таҳлили ҳамма айбни баҳорда ёки кузда об-ҳавонинг ноқулай келишига ағдариш ноўрин эканлигини кўрсатиб турибди. Қаюм Каримов, Улдона Алимова, Халил Хаинов каби тадбиркор деҳқонлар бошлиқ агроучасткаларидан саккизтасида план ортиғи билан адо этилди. 72 та пахтачилик бригадасидан 55 тасида план бажарилди-ю, нима учун ўн етти бригадада бажарилмасдан қолди? Биз бу саволга жавоб топишга ҳаракат қилаяпмиз. Планни бажармаган тўрт агроучастка деҳқонлари ёмон меҳнат қилишди, десак тўғри бўлмас. Негаки, худди ана шу участкаларда ер барвақт, сифатли ҳайдалганди, шудгор олдидан минерал ва маҳаллий ўғит сепилди, бир қисм майдоннинг шўри ювилди. Чиғит эрта, агротехника қоидалари асосида экилди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, суғориш каби юмушлар ҳам кам бўлмади. Аммо галвир сувдан қўтарилганда 8-агроучастканинг Ҳолли Қорахонов, Маҳкам Камолов, Салоҳиддин Тоғаев, 11-агроучастканинг Иброҳим Рўзиев, Нормўмин Дўстбеков бошлиқ бригадаларида ҳосилдорлик 9—17 центнердан ошмади.

Бунинг сабабларини рўйрост айтиш керак. Ҳозир пахтачиликдаги жиддий камчиликлар очиқ айтиладиган пайт. Ана шулардан бири ва энг асосийси алмашлаб экишнинг тўлиқ ўзлаштирилмаётганлигидир. Алмашлаб экишни жорий этиш тўғрисида кўп гап-сўз юритилади. Областимизда ҳатто алмашлаб экиш участкалари ҳам тузилди. Бу ҳақда кенгашлар ўтказилиб, алмашлаб экиш деҳқончилик маданиятини оширишнинг асоси эканлиги қайта-қайта уқтирилди. Лекин планлаштиришда хўжаликнинг ер-сув шароитини ҳисобга олмаслик айтилган яхши сўзлар-у маслаҳатларни тўлиқ амалга ошириш имконини бермади. Буни хўжалигимиз мисолида яққол кўриб турибмиз. Совхозимизда 4.100 гектар суғориладиган ер бўлса, шундан 3.043 гектарида пахта етиштирамиз. Қўлимизда алмашлаб экиш харитаси бор. Ҳозир ўнта алмашлаб экиш массивидан саккизтасида бу муҳим тадбир жорий этилган, икки массив эса алмашлаб экишга кирмасдан турибди. Бу 900 гектар суғориладиган майдонни ташкил этади. Худди ана шу массивда деҳқончилик қилаётган Худойберди Боймуродов бошлиқ агроучастка деҳқонлари ҳар гектар майдондан пландаги 21,5 центнер ўрнига 14,2 центнердан ҳосил етиштиришди. Бешта бригададан биттасида ҳам план уддаланмади. Ҳолбуки алмашлаб экиш ўзлаштирилган 2-массивдаги Жўра Худойбердиев бошлиқ бригада аъзолари юбилей йилида 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,3 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштирдилар. Кейинги йилларда ҳосилдорлик 7 центнер ошди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Деҳқонларимиз алмашлаб экишнинг жорий этилиши ерни яшартиришини, экинлар ҳосилдорлигини оширишини ҳис этишмоқда.

Бу муҳим агротехник тадбир нега тўлиқ амалга оширилмаяпти, деган ўринли савол туғилади. Юқорида айтганимиздек, 4.100 гектар суғориладиган майдондан 1.400 гектарининг мелиоратив ҳолати яхши эмас. Ана шундай ернинг минг гектарида деҳқончилик қилинаяпти. Лекин пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги планлаштирилаётганда бу мутлақо ҳисобга олинмаяпти. Кейинги икки йилда минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини бироз яхшилашга эришдик. Коллекторлар тозаланди, горизонтал ёпиқ дренажлар тартибга келтириляпти, бундай олганда ерни яшартириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Ҳа, деҳқонлар таъбири билан айтганда кейинги икки йилда ернинг ранги ўзгарди. Шунинг ўзиёқ 10—12 центнердан пахта етиштирилган майдонларда қўшимча 7—8 центнердан ҳосил олиш имконини берди. 1987 йилда қолган 400 гектар ернинг мелиоратив ҳолати шу тарзда яхшиланиши лозим эди. Бунинг учун «Зангстрой» механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари бир миллион сўмлик иш бажаришлари керак эди, афсуски, бажарилмасдан қолди. Бундан ташқари, совхозимизда 700 гектар майдон капитал текисланиши, суғориш шохобчалари реконструкцияланиши, зовурларнинг бир қисми қайта қурилиши керак. Бу муҳим ишлар амалга оширилмаганлиги учун ернинг умри беҳуда ўтаяпти. Пахта ҳосилдорлиги 10—12 центнердан ошмаётир. Бир килограмм азот ҳисобига 5—6 килограммдан пахта етиштирилмоқда. Лекин маҳаллий совет ташкилотлари тасдиқлаган планга кўра биз мелиоратив ҳолати талабга жавоб бермайдиган ердан ҳам 24 центнердан ҳосил етиштиришимиз лозим. Бунинг эса ер ҳолатини яхшиламасдан сира имкони йўқ. Тупроқ таркибини тубдан яхшилаш шарт бўлган экин майдони учун мелиорация ишлари тўлиқ амалга оширилиб деҳқонга топширилгунга қадар бундай ернинг елкасига оғир юк ортмаслик мақсадга мувофиқ бўларди.

Алмашлаб экиш мелиорация ишлари билан уйғунлаштирилгандагина яхши самара бериши мумкин. Экин майдонларимизнинг мелиоратив ҳолати нисбатан яхши бўлган массивларда бедапояларни ярим-ямоқ карталардан яхлит пайкалларга кўчиришга киришдик. Ҳозир хўжалигимизда 600 гектар бедапоя бор. Лекин унинг ҳаммаси алмашлаб экиш массивларида жойлашган дея олмаймиз. Чунки бир пайтлар алмашлаб экишни жорий этиш, бедапояларни кенгайтириш вазифаси қўйилганда сув йўлига тескари ёки эътибордан бироз четда қолган ерга экилган. Шу тарзда дуч келган картада бедапоя пайдо бўлган. Ҳозир бу камчилик бартараф этиляпти. Бош агроном экинларни алмашлаб экиш картасига асосан жойлаштиришда қаттиққўллик билан иш кўрмоқда.

Бу йил совхозимиз пахтакорлари 7.400 тонна пахта етиштиришлари керак. Йиллик план 340 тоннага қисқарди. Олдимизда озуқабоп экинлар, сабзавот, полиз етиштириладиган майдонларни кенгайтириш вазифаси турибди. Энди асосий эътибор алмашлаб экишни жорий этиш, тупроқ унумдорлигини ошириш эвазига пахтадан юқори ҳосил етиштиришга қаратилади. Биз бунга ҳозирдан пухта тараддуд кўраяпмиз. Барча майдон ғўзапоядан, ажириқдан тозалангач, фосфор ва калий ўғити сепилиб, сўнгра шудгор қилинди. Шудгор тамомланиши билан 750 гектар майдоннинг шўрини ювишга киришдик. Бизнинг шароитда ернинг шўрини ювиш жуда яхши самара беради. Афсуски, бу муҳим тадбирни амалга ошириш чоғида яна муаммоларга дуч келдик. Р-7 суғориш шохобчаси кўпдан қайта реконструкцияга муҳтож. Бунинг учун хатто лойиҳа ҳам тайёрланган. Ҳозир секундига 7 куб метр сув оқиши лозим бўлган шохобчадан 4 куб метр сув оқаяпти, холос. Деҳқонларимиз ўтган йилда ҳам ғўзани суғоришда ҳаддан ташқари қийналишди. Энди қийинчилик яна давом этадиган бўлиб турибди. Январь ойида ернинг шўри 2—3 марта ювилиши керак дейсиз-ку, ҳозиргача сувдан дарак йўқ. Пленумда Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги шаънига айтилган танқидий фикрлар ҳақиқатан ҳам, ўринли. Министрликка қарашли механизациялашган кўчма колонналар қурувчилари ўз ишларини деҳқонлар билан мутлақо ҳисоблашмаган ҳолда планлаштирадилар. Масалан, коллекторларни қазиш ёки ёпиқ дренажлар қуриш ишларини ҳозир, ер ҳосилдан бўшаган пайтда эмас, балки айни ерга чиғит экилаётган ёки ғўза қатор ораларига ишлов берилаётган пайтда бошлашди. Оқибатда қурувчилар билан пахтакорлар ўртасида келишмовчилик юз беради. Бизнингча, қурувчилар ҳам ўз ишларини ҳозирги талаб асосида қайта қуришса чакки бўлмас эди.

Ш. ҚАҲҲОРОВ,
Шеробод районидаги Усмон Юсупов номли совхоз директори.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети меҳнаткашларнинг Набережние Челни шаҳри, Москва шаҳридаги Черемушки райони, Ленинград шаҳридаги Красногвардейская майдони номларини қайта тиклаш ва Москва шаҳридаги Л. И. Брежнев майдони номини бекор қилиш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватладилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг 1982 йил 18 ноябрдаги 1010-сонли қарорининг Набережние Челни шаҳри, Москва шаҳридаги Черемушки райони ва Ленинград шаҳридаги майдон номини ўзгартириш ҳамда Москва шаҳридаги янги майдонларга бирига исм бериш қисмидаги 1,2-бандлари бекор қилинди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: фермаларда оммавий-сиёсий иш

ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

Қизилтепа районидаги қатор хўжаликларда жамоат чорвачилигини ривожлантиришда қолоқликка йўл қўйилаяпти. Ўтган йили моллар наслини яхшилаш, соғин сигирлар сонини ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, тармоқ ходимлари ўртасида социалистик мусобақани намунали йўлга қўйиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг аксарияти ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаганлиги сабабли бажарилмай қолди.

Хўш, сабоқлардан қандай хулоса чиқарилмоқда! Ишнинг муваффақиятини идеологик жиҳатдан таъминлашга қай йўсинда ёндашилаяпти! Ана шу саволларга жавоб олиш учун район колхоз ва совхозлари томон йўлга чиқдик.

Биз тушган машина энг чекка хўжаликлардан бири — «Бўстон» совхози томон елиб борарди. Ҳамроҳимиз — район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири У. Сатторов тармоқда рўй бераётган ўзгаришлар, агитаторларнинг шу кеча-кундуздаги фаолияти ҳақида ҳикоя қиларди.

— Энг аввало озуқа базасини мустаҳкамлашга, коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга алоҳида эътибор берилди, — деди у. — Биз бошланғич партия ташкилотларига оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни ташкил этишда яқиндан ёрдамлашмоқдамиз. Чорвадорлар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиб, уларнинг орзу-интилишлари, ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиб бораяпмиз. Маданий-маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатишдаги камчиликлар бартараф этилаяпти. Пропагандист ва агитаторлар фаолияти қатъий назоратга олинган. Улар кўпчиликни қизиқтирган масалалар юзасидан лекция ва суҳбатлар уюштиришмоқда. Илғорлар тажрибаси оммалашмоқда. Афсуски, ҳали муҳим ишда расмиятчиликдан қутула олганимиз йўқ.

«Бўстон» совхозида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Тадбирларнинг таъсирчанлиги туфайли бу ерда озуқа экинларига муносабат ўзгарди. Техника, ишчи кучидан унумли фойдаланилмоқда. Қишловга планда белгиланганидан 900 тонна кўп хашак жамғарилди. Улар тежаб-тергаб сарфланмоқда. Зоотехник Латиф Шариповнинг таъкидлашича, қишлов яхши ўтаяпти. Лекин маҳсулдорликни оширишга қаратилган имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори областнинг ўртача кўрсаткичидан паст. Омма ғайрат-шижоатини оширишнинг синалган омили — социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилмаган. Сўнгги ўн кунлик якунига кўра тажрибали сигирсоғар Мавлуда Бозорова ва молбоқар Мирзо Ҳолмуродов шарафига Қизил байроқ кўтарилибди. Бироқ улар қандай қилиб юқори кўрсаткичларга эришганликларини кўпчилик чорвадорлар билишмайди. «Жанговар варақа», деворий газета, кўрсаткичлар тахтаси ҳанузгача йўқ. Кўпчилик муҳокамасидан ўтказилиб тузилган мусобақа шартлари партия ҳужжатлари орасида сақланар экан...

— Сўнгги партия йиғилишида коммунистлар Л. Ироқова ва У. Бозоров каби агитаторларнинг фаолиятини қаттиқ танқид қилдилар, — деди партком секретари Раъно Валиева. — Иш шароитини яхшилаш, мусобақанинг оммавийлиги ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган қимматли таклифларни ўртага ташладилар. Биз уларни умумлаштириб, амалиётга кенг жорий этаяпмиз.

Яна бир камчилик кўзга яққол ташланади. Сигирсоғарларнинг ишга муносабати турлича. Жумладан Галия Бакирова, Мастура Акромова каби тажрибакорлар ўтган йилнинг октябрь ойидаёқ йиллик планни муваффақиятли адо этишди. Ҳар сигирдан 2.250 килограммдан сут соғиб олишди. Энди бу кўрсаткични камида 2.500 килограммга етказишмоқчи. Аммо Норгул Мавлонова, Саломат Саидова каби ёшлар эришаётган натижалар ўта ташвишли. Гап шундаки, фермага янги келганлар ғамхўрлик билан қуршаб олинмаган. Уларнинг маҳоратларини ошириш ҳақида бош қотирилмаяпти. Совхоз раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, қишловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганлигини таъкидлашади. Амалда эса ундай эмас. Баъзи молхоналар сифатли ремонт қилинмаган, елвизак уриб ётибди. Бошқасида эса чиқиндиларни белгиланган ўрага элтувчи механизмлар ишламайди. Чорвадорлар дам олиш хонаси намунали жиҳозланмаган. Керакли адабиётлар, кўргазмали агитация воситалари йўқ. Тарғиботчилар фаолияти кўпчиликни қаноатлантирмаяпти.

«Партия XXII съезди» колхози бир вақтлар райондаги илғор хўжаликлардан саналарди. Афсуски, лоқайдлик, ўзибўларчилик оқибатида аксарият моллар мажбурий равишда гўштга топширилди. Қўшни республикалардан қанчадан-қанча маблағ сарфланиб сигирлар келтирилди. Янги молхоналар, қочириш пункти, туғруқхона қурилиб, ишга туширилди. Лекин шуҳрат тикланмаяпти. Уч йилдирки, хўжаликда давлатга сут топшириш плани бажарилмаётир. Устига устак маҳсулдорлик тобора камаймоқда. Масалан, ўтган йили бурноғи йилга нисбатан ҳар сигирдан 230 килограммдан кам маҳсулот олинди. Бош зоотехник Иззат Ғайбуллаевдан С. Қурбонова, Р. Мансурова, Ҳ. Бозорова каби сигирсоғарлар энг паст кўрсаткичга эришаётганликларининг сабабини сўраганимизда у турли баҳоналарни рўкач қилди. Баҳоланки, у мутахассис, агитатор сифатида меҳнат интизомининг бузилиши, озуқадан тежаб-тергаб фойдаланмаслик қанчалик қимматга тушаётганлигини кенг шарҳлаб берса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Колхоз правленнеси ёнида Ҳурмат тахтаси бор. Аммо ундаги илғорларнинг сурати сарғайиб, ёзувлари ўчиб кетган. Ахир, бундай «ҳурмат»нинг кимга кераги бор? Буларнинг ҳаммаси инсон омилига етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатади. Яна бир ташвишли ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Лекция ва суҳбатлар ўтказиш плани, кўргазмали агитация воситалари негадир қоровулхонада сақланарди. Кўпчилиги яроқсиз ҳолга келиб қолган. «Қизил бурчак» номигагина ташкил этилган. Тарғиботчилар ўз вазифаларини газета ва журналларнинг янги сонларини келтиришдан иборат деб билишаяпти. Социалистик мусобақанинг бориши, илғор тажрибалар, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш масалалари четлаб ўтилаяпти.

Қўшни «Москва» колхози фермасида иш икки сменада ташкил этилган. Натижада меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот таннархи арзонлашмоқда. Янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари кенг оммалашяпти. «Партия XXII съезди» колхозида эса бу ҳақда ҳали ўйлаб кўришгани йўқ.

Чорвачиликдаги аҳвол партия йиғилишида неча бор муҳокама қилинди. Тармоқда ишни бўшаштириб юборганлиги учун правление раисининг ўринбосари И. Ражабов, баъзи мутахассислар фаолиятига принципиал баҳо берилди. Ем-хашак сарфи устидан қатъий назорат ўрнатилди. Махсус комиссияга А. Эшонқулов бошчилик қилмоқда. Гап фақат сўз ва иш бирлигига эришишда қолган. Шу ўринда бир мулоҳаза: меҳнат ветерани, коммунист Солиха Неъматова 40 йил фермада фидокорона меҳнат қилди, ўндан ортиқ лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Мураббийчилик ҳаракатини кенг қулоч ёйдириб, ветеранларнинг бой тажрибасидан унумли фойдаланилса, қандай яхши бўларди?!

«Ленинград» колхозининг оқ чашма соҳибалари ўзаро социалистик мусобақада пешқадам. Улар ўтган йили давлатга сут топшириш планини ноябрь ойидаёқ адо этдилар. 260 бош сигирнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда 2.500 килограммдан сут соғиб олинди. Қишлов зўр уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Зарбдорлар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига бу кўрсаткични камида 2.900 килограммга етказишга аҳд қилдилар. Ферма цех партия ташкилоти юбилей йилида юзага келган меҳнат маромини янада жўш урдиришга ҳаракат қилмоқда. Оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишлар жонлантириб юборилди.

— Сўз устаси, агитатор Равшан Раззоқовдан ғоят миннатдормиз, — дейди ферма мудири Едгор Шабанов. — У партия топшириғига сидқидилдан муносабатда бўлаяпти. Чуқур билим, ташкилотчилик қобилиятига эга. Ўз суҳбатларида коллектив ҳаётидан олинган мисоллар, факт ва рақамлардан унумли фойдаланади. Маданий-маиший, савдо хизматини намунали йўлга қўйиш учун жонбозлик кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси кишилар ғайратшижоатини ошириш, масъулиятини кучайтиришда муҳим омил бўлаяпти. Қурбоной Тўраева, Тожиниса Шукурова, Бибиш Ҳакимова каби сигирсоғарлар янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ зарбдорчасига ишлашаяпти. Кунига ҳар сигирдан 10—11 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишаяпти.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Бутуниттифоқ XIX конференциясини 1988 йил июнида чақириши лозим деб топди. Ана шу олий анжуманда КПСС XXVII съезди қарорларининг қандай бажарилаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярминнинг асосий якунлари ва қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари, партия турмушини ва жамиятни янада демократиялаш тадбирлари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш кўзда тутилган. Муболағасиз айтиш мумкинки, барча мураккаблик ва қийинчиликларга қарамай қайта қуриш ғоявий ва маънавий ғалаба қозонди, эндиликда кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Барча қатори чорвадорлар ҳам рўй бераётган инқилобий ўзгаришларни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар, ўтган йил натижаларини пухта таҳлил этиб, бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумлироқ, сифатлироқ ишлашга интилишаяпти. Коммунистлар ва комсомоллар, халқ депутатлари мўл-кўлчилик учун олиб борилаётган курашда карвонбошилик қилмоқдалар.

«Партия XXII съезди» колхози ва «Бўстон» совхозининг раҳбарлари, партия комитетлари илғорлардан ўрнак олиб, тармоқда туб бурилиш ясаш учун аниқ тадбирларни амалга оширишлари лозим. Бу шу куннинг қатъий талабидир.

И. МУДАРИСОВ.

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛЕКТРОНИКА ХИЗМАТДА

Наманган область агросаноат комитетида ишга туширилган автомат бошқариш системаси қайта ишлаш корхоналарининг, хусусан сут заводи, гўшт комбинати ва пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинатининг ишлаб чиқариш фаолиятини назорат остига олди.

Компьютерлар 25 мингдан зиёд номдаги моддий бойликларни, юзлаб маҳсулот етказиб берувчилар билан операцияларни назорат қилади. Область агросаноат комитетининг автомат бошқарув системаси агросаноат комплекси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўндан ортиқ комплекс вазифаларни бажаради.

Компьютерларни қўлланиш соҳаларини кенгайтириш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Поп район агросаноат бирлашмасида ҳозирнинг ўзидаёқ иккита митти ЭҲМ ишлаб, хўжаликдан ташқари айрим деҳқончилик бригадаларига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

САҲРОДА ВОДОПРОВОД

Пешку районидаги «Жонгелди» совхозининг марказий қўрғонига сув ташийдиган машиналар маршрути бекор қилинди. Бухоро областининг икки мингдан ортиқ қишлоқ аҳолиси истиқомат қиладиган энг олис хўжаликларига Амударё — Зарафшон сув қувуридан 13 километрлик магистрал ёқизилди. Республика яйлов-мелиорация қурилиш-монтаж трести Бухоро қурилиш-монтаж бошқармасининг ходимлари бу магистрални белгиланган муддатдан икки ой барвақт ётқиздилар.

Қурилиш-монтаж бошқармасининг коллективи Қуйимозор сув омборидан Уртачўл массивигача 18 километрлик водопроводни ҳам муддатидан барвақт фойдаланишга топширдилар. Бу ерда бир қанча қўриқ совхозлар жойлашган. Мазкур коллектив 14 километрли Узунқудуқ—Учқудуқ сув қувурининг биринчи навбатини ҳам барвақт топширди.

ОЗУҚАБОП ДОН ЎРНИГА

Шеробод дон қабул қилиш корхонасида ишга туширилган янги цех бир кеча-кундузда эллик тонна омухта ем ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда ишлаётган шоли оқлаш цехининг чиқит маҳсулоти асосий хом ашёдир. Омухта ем турли группадаги чорва молларига мўлжалланган, хилма-хил рецептлар асосида тайёрланади.

Андижон областидаги Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикаси ишчи-хизматчилари ўн иккинчи беш йиллик учинчи йилининг дастлабки кунларидан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Моҳир ишчи Гавҳарой Йўлдошева кунлик топшириқни донмо ошириб бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлаяпти. У унумли ишлаш билан бирга маҳсулотнинг сифатли бўлишига ҳам алоҳида эътибор бераяпти.

СУРАТДА: пешқадам тўқувчи Г. Йўлдошева.

А. УСМОНОВ фотоси.

«Қишлоқ ҳақиқати»га жавоб берадилар

«КОЛХОЗ ЗАВОДИ КЎМАККА МУҲТОЖ»

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг 1987 йил 13 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Наримонов номли колхознинг ёпиқ зовурлар учун мўлжалланган ғовак қувурлар ишлаб чиқарадиган заводидаги муаммолар ҳақида фикр юритилганди. Корхонага энг асосий хом ашё —цемент ажратиш масаласи тўла ҳал этилмаганлиги, унинг маҳсулотини олувчи буюртмачилар ҳанузгача аниқ бўлмаганлиги ҳақида ёзилганди. Ушбу мақолага қуйидаги жавоб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ:

Мақолада кўтарилган масалалар министрликнинг техника бош бошқармаси, «Узгипроводхоз» лойиҳа-қидирув институти, Хоразм область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси мутахассислари иштирокида атрофлича кўриб чиқилди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ҳамда Наримонов номли колхоз ташаббуси билан 1983 йилдан бошлаб ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилашда ғовак қувурлардан фойдаланиш борасида тадқиқот ишлари олиб борилиб, амалда қўлланиб келинмоқда. Колхоз ўз маблағи ҳисобига ёрдамчи хўжалик сифатида қувурлар ишлаб чиқариладиган завод барпо этган. Қум ва маълум миқдорда цемент аралашмаси корхонанинг асосий хом ашёси ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ТИИИМСХнинг илмий-тадқиқот сектори ҳамда САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан биргаликда ёпиқ дренажларда ғовакли қувурларни қўлланиш масаласини муҳокама қилишда бир неча марта қатнашган. Хоразм область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси ва ТИИИМСХ ўртасида бундай қувурларни тадқиқ этиш ҳамда синовдан ўтказиш юзасидан шартнома тузилган.

Министрлик «Узгипроводхоз» институти зиммасига Наримонов номли колхознинг 120 гектар экин майдонида ёпиқ дренаж ётқизиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифасини юклади. Министрлик фондидан корхона учун унинг бир йиллик эҳтиёжига тенг миқдорда, яъни 120 тонна цемент ажратилди.

Д. АФОНИН,
Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ТОМСК. Область картасида янги шаҳар пайдо бўлди. Нефть қазиб олувчи район марказида жойлашган Кедровий посёлкаси ана шу ҳуқуқни олди. Главтомскстройнинг «Северстрой» трести бинокорлари аҳолининг тобора ўсиб бораётган социал, маданий ва маиший эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ёш шаҳарни бунёд этмоқдалар. Бу ерда ҳамма қулайликларга эга бўлган замонавий уйлар қурилмоқда. Бундан ташқари, клуб, мактаб, бошқа объектлар, шу жумладан катта-катта самолётларни қабул қилишга қодир бўлган учиш-қўниш майдони қуриб битказилди.

* * *

РЕЗЕКНЕ (Латвия ССР). Резекнедаги сут соғиш қурилмалари заводининг машинасозлари Озарбайжон чорвадорлари буюртмасини бажардилар. Мазкур республика хўжаликларига сут соғиб олиш аппаратларининг дастлабки туркуми жўнатилди. Корхона бу йил ўзи учун анъанавий бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, иттифоқ бозорига эчки ва қўйларни соғиш учун мўлжалланган ихчам қурилмаларни ҳам етказиб бера бошлади. Бу йил завод мамлакат хўжаликларининг анк мақсадини кўзлаб берган буюртмалари бўйича қурилмаларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиради.

* * *

СОСНОВИЙ БОР (Ленинград области). В. И. Ленин номли Ленинград атом электростанцияси энергетиклари шаҳарни иссиқлик билан барқарор таъминлаш муаммосини ҳал этдилар. Улар Ленинград атом электростанцияси иккиламчи энергетика ресурсларини қайта ишловчи Бойлер станцияси иссиқлигини ишитиш системасига уладилар. Қудратли турбиналарни айлантирувчи буғнинг конденсацияланиши натижасида ажралиб чиқаётган «ортиқча» энергиядан энди ишитиш учун фойдаланилмоқда. Ишга туширилган биринчи комплекснинг қуввати 150 гигакалорияга тенг. Бу Сосновий бордаги барча саноат корхоналари ва кўпгина уй-жойларни мунтазам равишда иссиқлик билан таъминлаш имконини берди. Янги усул тежамли ҳамда экологик жиҳатдан тозадир.

(ТАСС).

Врач нуқтаи назаридан

АЁЛ КИШИНИНГ ФОЖИАЛИ ҚИСМАТИ

«Ленинский путь» газетасида «Мен ўлишни истамаган эдим...» сарлавҳали мақола босилиб чиққан куни 1-шаҳар касалхонасининг куйганларни даволаш марказига 25 ёшли Музаффар Жабборова олиб келинди. У ҳам Самарқанд районидаги «Боғизоғон» совхозидан. Бу бахтсиз аёл шифохонага етказиб келингач, «яшашдан чарчадим» дея олди, холос. Кетма-кет тўрт болани туғиб, ёш она, айтиш мумкинки, маррасига тақалган эди. У на кундузи, на кечаси ҳаловат билмасди, кичкинтойларни тарбиялаш, уй-рўзғор ва хўжалик ишлари билан бир ўзи шуғулланарди, ёрдам берадигани йўқ эди. Қийин ҳаёт дастидан кунларнинг бирида ўзига ўт қўйиш қарорига келди. Бу билан қурби етмаётган қийинчиликдан қутулмоқчи бўлганди.

Врач сифатида мен бу сатрларни қуйниб ёзмоқдаман. Зотан, бизнинг касбда ёш аёлнинг даҳшатли, инсон боласи чидай олмайдиган азобланишларини кўриб туриб, унга ҳеч нима билан ёрдам бера олмасликдан ҳам даҳшатли нарса йўқ.

Куйганларни даволаш марказидаги кўп йиллик иш тажрибам муайян хулосалар қилиш имконини беради. Ҳали яқиндагина бундай хулосалар хусусида матбуот ҳам, партия органлари ҳам, ҳатто биз, шифокорлар ҳам лом-мим демасдик, ўзимизни ташвишлантираётган воқеа хусусида ҳамма гапни ҳам рўй-рост айта олмасдик.

Ўйлаб кўринг, ахир. Энгигина 25 ёшга кирган, куч-қуввати барқ урган аёл яшашдан чарчаса-ю, кунларнинг бирида жонидан тўйиб ўзига керосин қуйса, бу, ахир, ғайритабиийлик-ку. Биласизми, аёлнинг аҳволига тушунса бўлади. Қийин, лекин тушунса бўлади. Муаффар турмушга чиққанидан сўнг ҳар йили фарзанд кўрди. Шифокорлар биладиларки, ҳар йили бола туғиш аёл организмига тез путур етказади, барвақт қариталди. Кўпчилик ўзбек оилаларида, айниқса қишлоқда навбатдаги болани туғиб кўз ёрган аёл ҳали кучқуввати жойига келмай ўрнидан туриб кетиши ва сигир-бузоқ, қўй, томорқа, тандир кабилар билан боғлиқ бўлган уй-рўзғор ишларига киришиб кетиши керак. Бунинг устига яна дунёга келган чақалоқнинг бешиги тепасида ўтадиган уйқусиз тунлар, кети кўринмайдиган (кўпинча қўлда) кир ювишларни ҳам қўшиш керак. Устига устак яна эрнинг, қайнона ва бошқа қариндошларнинг кўнглини олиш — ош-овқат тайёрлаш, уларнинг аччиқ-тирсиқ гапларини, баъзан бадфеълликларини ҳазм қилиш ҳам керак бўлади. Бизга маълумки, кўпгина оилаларда овқатланиш илмий асосланган нормалардан жуда фарқ қилади. Нон, конфет, қанд, чой — кўпинча эрталабки нонуштада ҳам, тушликда ҳам дастурхонда бўладиган нознеъмат ана шундан иборат. Кечки овқатга, эрнинг келишига шўрва ёки лағмон тайёрланиши мумкин. Янги бўшанган аёл ва унинг кичик ёшдаги болалари шундай овқатланишлари керакми? Ана шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб ва бунинг устига турмушдаги қийинчиликлар қўшилиб, баъзан аёл кишининг асаблари ниҳоятда қақшашига, чарчашига олиб келади. Бундай аҳволда уни на кичкинтойнинг кулгуси, на унинг биринчи бор ёриб чиққан тиши, на унинг биринчи атак-чечаги хушнуд этади. Бутун турмуш унинг учун ботмондахсар юкка айланади. Бироқ адолат юзасидан шуни айтишим керакки, куйганларни даволаш марказида ўн йиллик ишим мобайнида ёш аёлнинг ҳаётдан онгли равишда умид узгани ва ҳатто уни асраб қолишни илтимос қилмаганлиги — бу, биринчи воқеадир. Бошқа ҳамма ҳолларда шундай қадам қўйишга ундаган сабаблар бир-бирига ўхшаш эди, аммо аёллар ҳар ҳолда яшаб қоламан, деган умидни қалблари қаърида сақлашарди. Шу билан бирга улар, эримни ёки қайнонамни бироз қўрқитаман ва менга бўлган муносабатлари ўзгаради, деб ҳам умид қилишарди. Афсуски, практикадан бизга маълумки, биринчидан, бундай воқеалар кўпинча ўлим билан тугайди ва иккинчидан ўзини-ўзи ўлдиришга уринганидан кейин эр ўз хотинини кучлироқ севишига ва уни ҳаётнинг қолган қисмида доимо бошига қўйиб юришига ишониш қийин. Агар аёл бунинг устига майиб-мажруҳ бўлиб қолса борми, фикримча, унинг оиладаги аҳволи баттар мураккаблашади.

Аёл киши, айниқса, қишлоқда ўзини ҳақиқатан ҳам оиланинг, ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси деб ҳис этиши учун нима қилиши керак? Менинг наздимда, биринчи навбатда жамоатчилик фикрини лозим бўлган даражага кўтариш талаб қилинади. Ўз ҳаётига суиқасд қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳодиса дарҳол ошкор этилиши ва конкрет айбдорлар халқ томонидан қораланиши зарур. Бу ўринда, айтайлик, нафақат партия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, медицина ходимлари, балки қишлоқ Советлари, маҳалла комитетлари ва хотин-қизлар кенгашлари куч-ғайрат кўрсатишлари даркор. Менинг фикримча, область ва район матбуоти, колхоз ва совхозларнинг радио тармоқлари активроқ фаолият кўрсатиши лозим. Жамоатчилик фикри — катта куч. У инсонни ўзи муносиб бўлган юксакликларга кўтариши ҳам, аммо фикрда ғаламислик, ножўялик бўлса, у инсонни... ўлдириши ҳам мумкин. Баъзи маҳаллаларда бўлаётган хунук воқеаларни билмаймизми?! Айтайлик, қиз бола турмушга чиқди, уни бошқа қишлоқдаги куёв ҳовлисига олиб келишган. Агар у ўзи билан бирга қайнонаси кўз тикиб турган сепини олиб келмаса борми, ана унда кўринг ҳангомани. Қайнона уни эговлагани эговлаган, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ дейди, хуллас кўз очирмайди. Маҳалла бўлса нари борганда бефарқлик билан лом-мим демай тураверади. Баъзан эса шу маҳалланинг ўзи «беш тийинлик» келинни ёзғириб, унинг ҳар бир қадамига зимдан қараб, бўлмағур гаплар тарқатиб оловга мой қуяди. Ваҳоланки, бундай пайтда маҳалланинг бутун активлари вақтни бой бермай аёлнинг ор-номуси, ҳимояси учун оёққа туришлари, унинг эри ва қайнонаси билан жиддий гаплашиб қўйишлари, ёш аёлни ўз ҳимоялари остига олишлари керак. Нима учун ҳозир прокуратурадаги ўз-ўзига ўт қўйиш билан боғлиқ кўпгина «дело»лар «жиноят состави» йўқлиги туфайли ёпиб юборилмоқда? Шунинг учунки, мазкур бахтсиз аёллардан гўё ҳеч қанақанги ариза тушмаган эмиш. Тўғри, улардан кўпчилиги азоб-уқубат юкини лом-мим демай, сукут ичида кўтариб юришади, сўнгги дақиқаларгача яшаб қолиш ҳақида орзу қилишади ва айни вақтда, албатта, агар ҳозир эри ва қайнонаси устидан шикоят қилса, кейинчалик бу оилада ҳаёт кечириш қандай бўлади, деб ўйлашади ҳам.

Хуллас, «Ленинский путь»да ёзилганидек, барча мансабдор шахслар ўз-ўзини ўлдирмоқчи бўлган хотин-қизлардан расмий баёнотларни кутадилар, ўзлари эса ёш оилалар ҳузурига боришни истамайдилар. Комсомол комитетларига ҳам собиқ комсомол активлари қаерга йўқолганлиги барибир. Улар олий ўқув юртларига ўқишга кирдими, ишлаяптими, агар ишламаётган бўлса нима учун ишламаяпти, келин бўлиб тушган хонадонларида турмушлари қандай кечяпти, қизиқиб кўришмайди. Ўзига керосин қуйиб ўзини ёқиб юборган аёлнинг алангаси бутун маҳаллани ларзага солганда ҳамма бошини чангаллаб қолади. Аммо бу кеч, баъзан жуда кеч бўлади...

Лекин мен муаммонинг соф медицина жиҳатларига қайтмоқчиман. Кўп болаликнинг бошқа томони ҳақида ҳаммага баралла жар солиб айтадиган пайт келди. Яқиндаяқин вақтларгача турли конференцияларда биз кўп болали оналар шарафига ҳамду санолар ўқиб келдик. Лекин айни пайтда ана шу аёлларнинг, улар туққан болаларнинг сиҳат-саломатлиги қандай бўлмоқда, мазкур оилалар қандай шароитларда яшамоқдалар, улар турмуши, маданияти қай тарзда, деган саволлар устида ўйлаб ҳам кўрмадик, чуқур таҳлил этишни ўзимизга эп билмадик. Амалда эса қуйидаги манзарага дуч келамиз. Агар Совет Иттифоқи бўйича ҳар бир оилага ўрта ҳисобда 1—2 тадан бола тўғри келса, бизнинг регионимизда 7—8 тадан тўғри келаяпти. Илгари айтиб ўтганимдек, аёллар амалда қарийб ҳар йили фарзанд кўришмоқда. Бу нарса ўз навбатида организмнинг бевақт толиқиб қолишига, тез-тез касалланишга ва асаб системаси бузилишига олиб келади. Бундай аёллар кўпинча нимжон, касалманд, чала, камқон бола туғадилар. Медицина амалиётида уч-тўрт йил оралатиб туғилган болаларгина физиологик жиҳатдан нормал бўлиши аниқланган. Фақат ана шундай ҳолдагина болалар нормал туғилади. Аёллар ва уларнинг фарзандлари соғ-саломат ривожланади. Никоҳга кираётган ҳар бир йигит ва қиз буни яхши билиши, шу қоидага қатъий амал қилиши зарур.

Хўш, ёш келин-куёв бундай маълумотларни қаердан олади? Улар ЗАГСда, поликлиникада, хотин-қизлар консультациясида олишлари керак. Агар район ва шаҳар партия комитетларининг ҳисоботларига ишонилса, у ерларда ёш оналар халқ университетлари ташкил этилмоқда, мутахассисларнинг консультациялари уюштирилмоқда. Гўё деярли ҳар бир районда турмуш маданияти университетлари ишлаб турибди. Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси илгаригидек қоғозларда мавжуддир. Айрим ёш оналар билан суҳбатлашар эканмиз, баъзан саросимага тушиб қолади, киши. Чунки, медицина жиҳатидан ашаддий нодонликнинг шариатнинг айрим қоидалари (мусулмон одатига кўра, оллоҳ пешонага қанча фарзанд кўришни ёзган бўлса, шунча туғасан)га риоя қилиш билан қўшилиши ўз-ўзини ёқиб юборишнинг сабабларидан биридир. Мактабларда яқинда махсус дарслар жорий этилганлиги яхши бўлди. Бу дарсларда юқори синф ўқувчиларини оилавий турмуш ахлоқи ва психологияси билан таништирмоқдалар. Бироқ бу иш ниҳоятда камдир. Шифокорларнинг мактабларда олиб бораётган «ошкора» суҳбатлари ҳозирча зарур самарани бермаяпти. Бу суҳбатларда асосан ҳомиладор бўлиб қолиш хавфи ва заҳм касалликларига чалиниш хавфи тўғрисида гапирилади. Болалар, кейин эса ўсмирлар жинсий ривожланишнинг мураккаб йўлидан ўтадилар. Улар иккала жинс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқий маданиятини эгаллашлари лозим. Қизларни ёши улғайган сари рўй берадиган физиологик ўзгаришлар саросимага солмаслиги керак. Афсуски, оналар, синф раҳбарлари қизларни содир бўлаётган «сир-асрорлар» билан ҳамма вақт ҳам таништирмаётганликлари туфайли биз, шифокорлар мана шу саросималикнинг ўзидан юз берадиган ҳақиқий психологик ўзгаришларга дуч келмоқдамиз. Мактабда ўғил болаларни бўлажак ота, оила бошлиғи, ғамхўр, эътиборли ва назокатли эр сифатида тарбиялаб бориш даркор. Бизнинг давримизда, Совет ҳокимияти ўрнатилганига 70 йил тўлган бир пайтда ҳам эркакларда бой-феодалларча одатлар тасодифан пайдо бўлмайди. Уларнинг куртаги жуда ёш пайтларидаёқ намоён бўлади. Афсуски, бундай одатлар турли расм-русумлар ва шариатга кўр-кўрона бўйсунадиган оилаларда ҳатто зўр бериб тарғиб ҳам қилинади. Мактаб, педагоглар, жамоатчилик фикри ана шу ярамас одатларни, таъбир жоиз бўлса, тагтуги билан суғуриб ташлаши лозим. Биз, шифокорлар ҳам қишлоқларда оммавий санитария-профилактика ишларини зўр бериб авж олдиришимиз керак. Қизлар ва аёллар гигиена, никоҳ ва эр-хотинлик ҳаётига оид барча нарсаларни билишлари зарур. Улар медицина тавсия этадиган, ҳомиладор бўлишдан сақлайдиган воситалардан фойдаланишни ўрганишлари керак. Айни пайтда эркаклар ўртасида ҳам шундай пропаганда ишларини олиб бориш даркор. Марказий матбуот, шу жумладан «Комсомольская правда» сохта шарм-ҳаёни йиғиштириб қўйиб, анчадан бери шу ҳақда ёзмоқда.

Бизга, куйганларни даволаш марказига, сандалда кийган беморлар ҳам келишади. Бу ҳам ўтмишнинг яна бир бемаъни меросидир. Наҳотки уйда нормал печни қуриш, агар қишлоқда ҳозирча газ бўлмаса, уни кўмир ёки ўтин билан ишитиш шунчалик қийин бўлса?! Қийин эмас. Аммо кўпгина уйлар ҳамон эскичасига ишитилмоқда. Уй ўртасида чуқур кавланиб, унга чўғ солиниб, сандал устига кўрпа ёпилади... Қаровсиз қолган болалар олов ичига тушиб кетиб кўл-оёқлари, бошлари, юз-кўзлари куяди. Бунинг натижасида ўлганлар ҳам бор. Лекин тирик қолганлари ҳам одатда умрбод майиб-мажруҳ бўлиб қоладилар. Баъзан сандал туфайли бутун бошли оилалар ғуборда қолиб, бу ҳам ўз навбатида оғир оқибатларга олиб келади.

Ҳа, бизнинг турмуш «маданияти»миз ҳозирча ана шундай. Бу бизнинг кўпгина дори-дармонларимиз каби аччиқ ҳақиқатдир. Лекин бу ҳақиқатни тушуниш ҳаммамизга зарурдир.

Э. ҒАФФОРОВ,
Самарқанд шаҳар 1-касалхонаси куйганларни даволаш марказининг мудири, медицина фанлари кандидати.

(Самарқанд область «Ленинский путь» газетаси, 1988 йил 3 январь).

ТАҒИН ШАКАР ВА ЗАҲАР ҲАҚИДА

Акрам АМИНОВ

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Куни кеча ёмғир ва қор ёққан бўлса-да, ҳаводан тамаки таъми батамом аримаган, тупроқдан ачимтир илдизлар ҳиди бурқираб таралади. Район марказига олиб борадиган йўлнинг ҳар иккала томони тамакизор. Поя-ларнинг учларида совуқ урган шалвироқ ва заҳил барглар шамолда елпиниб турибди. Далалардаги асосий ҳосил аллақачон йиғиштириб олинган. Ургут кўчалари бўйлаб юрсангиз ғиштин биноларнинг «бўйнига» тамаки шодалари илинганини, ҳовлилардаги усти ёпиқ, биналар тамаки барларини қуритиш ва сақлашга бериб қўйилганлигининг шоҳиди бўласиз. Паст-баланд қирлар бағридаги даниллама иморатлардан, дарвозахона ва болохоналардан тамаки иси анқийди. Хонадонларда буғлатилиб, пресслаб, той-той қилинган барглар юк машиналарига ортилиб қабул пунктларига ров-ров жўнатилмоқда. Хуллас, одамлар навбатдаги мавсум ҳосилини топшириш билан банд.

Йўлнинг ҳар иккала томонидаги тамаки пайкалларининг маҳзун манзаралари она заминга ачиниш, унумдор тупроқни қизғаниш туйғуларини дилга солади. Ўнг-сўлдаги майдонларда барги сидирилиб, шип-шийдам бўлган поялар уюлиб, ҳар жой-ҳар жойда тўплаб қўйилган. Улар хотирада олис ва яқин далалар жамолини тиклайди: латишларнинг буғдой ғарамлари, белорусларнинг маккажўхори ғарамлари, украин тупроғидаги қунгабоқар ғарамлари, Волга бўйларидаги пичан ғарамлари... Бу ғарамлардан чорва учун озуқа сифатида фойдаланилади. Бадбўй тамаки поя-ларини эса мол ҳам емайди. Ургутликлар ундан фақат ўтин ўрнида фойдаланишади, тандирга қалаб, обинон ва патир ёпишади, ўчоқда ёқиб таом пиширишади. Кейин эса «завқли» деб бўлмайдиган меҳнатдан сўнг уйқуга чоғланишади. Уларни бугунгига ўхшаган эртанги кун кутади. Тамакикорларнинг безавқ меҳнати маҳсулотини мамлакатимиздаги 47 та тамаки фабрикаси ва кашандалар кутадилар...

ТАМАКИ ТАНТАНА ҚИЛМОҚДА

Ургутга сафаримиз айни тамаки плани тўлган кунга тўғри келди. Район бўйича 31 минг 500 тонна «Дюбек» ва «Америкон» навли барглар йиғиштириб олиниб, бу борадаги план муддатидан аввал уддаланибди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Шер Сайфиддинович Ғиёсов билан «Москва» колхози йўлида учрашдик. Баланд бўйли, қорамағиздан келган, вазмин, сермулоҳаза секретарь юбилей йили планларининг бажарилишидан мамнун эди. Ш. С. Ғиёсов шу яқин ўртадаги Ленин номли тамаки тайёрлов пунктига бошлади.

Бу ерда иш қизғин. Ҳавода бошни айлантирадиган даражада қўланса ҳид ҳукмрон. Аммо одамлар бунга ўрганиб кетишган, ҳеч ким безовта бўлмайди. Э. Азизов, А. Ҳомидов, О. Тўрамуродов, Б. Жўрақулов каби сортловчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Улар Калинин номли, «Правда», «Иттифоқ», «Москва», ибн Сино номли ва бошқа колхоз ҳамда совхозлардан келтирилган тамаки тойларини навларга ажратиш билан машғул. Бу ўринда шуни айтиш керакки, тўрт хил нав учун ҳар хил нархлар белгиланган. Улар кўргазма тахтасига ёирик рақамлар билан ёзиб қўйилган: биринчи навли тамакининг ҳар килограмми 6 сўм 25 тийин, иккинчи нави 4 сўм 30 тийин, учинчи нави 2 сўм 64 тийин, тўртинчи навининг ҳар килограмми эса 1 сўм 44 тийин.

— Юбилей йилида, — дейди сортловчи Эсонбой Азизов, — биринчи нав таннархи беш тийинга, иккинчи нави ва эса 41 тийинга оширилди. Тамакикорларимиз бундан яна ҳам руҳланиб кетишди...

«Руҳланиш» шу даражада эдики, бу кўтаринкилик нариги омборнинг сортловчиси билан топширувчи ўртасидаги келишмовчиликда ҳам айнан сезиларди. Тамакикор 2 минг килограммни биринчи навга қабул қилишни талаб этар, сортловчи эса «иккинчи навга оламан» деб оёғини тираб туриб олган эди. Агар тамакикор бу келишувга рози бўлса, чўнтагидан 3.900 сўмни йўқотади, сортловчини айтганига кўндирса, нақд 12 минг 500 сўм даромад қилади. Масала ечилмади шекилли, «Москва» колхозидан келган деҳқон тойларни машинага қайта юклаб, уйига жўнади. Аммо бекор қилди. Негаки, район планни бажарган, истаса-истамаса етиштирган ҳосилини сортловчилар хоҳиши бўйича келтириб топширишга мажбур бўлади.

Пунктда етмиш чоғлиқ одамлар ўралашиб юришибди. Улар зум ўтмай район партия комитетининг биринчи секретари атрофида тўпланишди. Эътирозлар баён этила бошланди:

— Сортловчилар биздан олий навни иккинчи сортга қабул қилишаяпти. Ферментлаб бўлингач, биринчи сорт ҳисобида давлатга ўтказилади. Нақ кўзбўямачилик билан шуғулланишмоқда!

— Тамаки етиштириш зарарли эканлигини биламиз. Шунга кўра уни харид нархини тағин ҳам ошириш керак...

— Хотин-қизлар ва ўқувчиларсиз тамаки етиштиришни эплаб бўлмайди!..

Шер Сайфиддинович тарози ёнида иккала қўлини чўнтагига суқиб турган болакайнинг бошини силади.

— Нечанчи синфда ўқийсиз, жўра?

— Олтинчида...

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Тамаки топширгани келдик. Отам билан...

Болакайни мен ҳам гапга тутдим. Афсуски, олтинчи синф ўқувчиси на бир шоир, на бир ёзувчининг исми шарифини билмас экан, У ҳамон икки қўли чўнтагида, маъносиз кулиб турарди...

Райкомнинг биринчи секретари билан Ургут тамаки ферментлаш заводи цехларида бўлдик. Ўтган йили номаълум сабабларга кўра ёниб кетган корхона эндиликда батамом тикланган эди. Улкан цехлар тамаки тойларига тўла, конвейерлар узуу кун ишлаб, барглари ферментламоқда. Ҳаво ғоят оғир бўлиб, қўланса ҳид кўнгилни айнитар, бошни айлантирарди.

— Шер Сайфиддинович, — дедим бу ердан чиқиб кетаётиб, — мана шу конвейерлардан тамаки тойлари ва сигарет қутилари эмас, бежирим қутичали майизлар, қандолату писта мағизлар, турфа шарбатлар чиқариладиган кун келармикан?

— О, қани энди шундай кун келса! Йилдан-йилга кашандалар сонида камайиш сезилмаяпти. Шу сабабли тамаки плани ҳамон залворли. Бу йил унинг харид нархи яна ўсди. Буларнинг барчаси манфаатдорликни оширмоқда. Планни бажармаган оилавий звено қолмади, қарийб барча хўжаликлар топширириқни ошириб ўринлатишди. Район бўйича белгиланганидан анча кўп—40 минг тоннадан ортиқ хом ашё тайёрланиши кутилмоқда.

Ургут меҳмонхонаси тирбанд экан. Ҳамрохим — Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Самарқанд область бўлимининг масъул котиби Абдурашид Абдураҳмонов билан Карл Маркс номли колхознинг мўъжазгина меҳмонхонасида тунайдиган бўлдик. Қоровул чол кўрпатўшак келтирди. Чироқни ўчириб, ўринга чўзилдик, Ишонинг, биз ўранган атлас кўрпалардан ҳам тамакининг талх ҳиди келарди! Бу—барча хонадонларда, ҳавода, ерда тамаки ростакамига тантана қилаётганлигининг яна бир белгиси эди.

ЕРДА СУДРАЛГАН ҚЎҒИРЧОҚ

Эртаси куни РАПО кенгаши раиси Ғолиб Ўроқов бизни кейинги икки йил кўрсаткичлари билан таништирди.

— Район қишлоқ хўжалигида жами 40 минг киши ишлайди, — деди у. — Шундан 33 минг 206 нафари тамакичиликда. Бизда бу тармоқ тўласинча оилавий пудратга ўтказилган. Бу йил 21 минг 58 оилавий звено мўл ҳосил етиштирди. Ўтган йили район миқёсида 168 миллион 453 минг сўм даромад олинган бўлса, юбилей йилида 182 миллионни кутмоқдамиз. Рентабеллик пландаги 26,9 ўрнига 31,5 процентга чиқади. Тамакикорнинг ўртача даромади 1986 йилда 1.953 сўм бўлган бўлса, юбилей йилида 2 минг сўмдан ошиб тушади. Хўжаликлар ўтган йили ҳар тоннадан 382 сўм 47 тийин ўрнига 455 сўм 28 тийин даромад олишганди, энди бу кўрсаткичнинг анча баланд бўлиши аниқ. Районимизда гўшт, сут, тухум, дағал хашак, дон, полиз, сабзавот, мева, узум, лавлаги етиштириш планлари ҳам бажарилди. Фақат картошкачиликда бироз оқсаб турибмиз. Ер кам...

— Тамаки ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига унумдор ерларнинг бир қисмини сабзавотчилик ва боғдорчиликка ажратиб бўлмайдими? — сўрадим раисдан.

— Шунақа ҳаракатимиз бор, — деди Ғ. Ўроқов, — 1986 йилда 9.920 гектар ерда тамаки етиштирган эдик. Бу йил эса 9.350 гектар ажратилди. Чегириб қолинган 570 гектарга ғалла, чорва озуқаси экдик. Агросаноат давлат комитети билан Госплан тамаки етиштириш планини қисқартиришса, унумдор ерларда ҳосилдор боғу роғлар барпо этиш имконияти бор. Аммо тамаки плани арзимас миқдорда қисқартирилмоқда. Айтайлик, 1986 йилда 36,3 минг тонна эди, биз эса 33,2 минг тоннага ўринлатдик. Юбилей йилида 31,5 минг тонна эди, харид нархи оширилиши сабаб бўлдими, ҳар қалай план анча ортиғи билан бажарилди.

Суҳбатга қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш бирлашмасининг раиси Зоир Зиёев қўшилди.

— План-ку ошириб бажарилди, аммо ачинарли томони бор. Тамакикорлар даромад кетидан қувиб, қалтис иш тутишаяпти. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ҳар йили бу ўсимликни «ширинча» босиб туради. Ниҳолларни ундан ҳимоя қилишда чет элда ишланган химиявий препарат — «БИ-58» дан фойдаланилмоқда. Бу химикат инсон учун ғоят хавфли. Буни кўплар назар-писанд қилишмайди. Бўлмаса, «БИ-58» сепиб бўлинган куннинг ўзида аксарият ота-оналар бола-чақалари билан барг узишга киришмасди. Одамларга ҳайрон қоласан; уларга қўйиб берсанг омборлардаги бор химикатни ниҳоллар устидан сочиб юборишдан ҳам қайтишмайди. Бир куни синфдош ўртоғим келди. 0,70 гектар тамакиси бор экан. 20 килограмм химикат сўради. Ҳаммасини бира тўла сепиб, «ширинча»дан қутулармиш. Ҳолбуки, уч килограмми бир гектарга етиб ортади. Рости, бояги дўстим барг сифатининг бузилиши, бинобарин, даромади камайишидан қўрқарди.

— Жон кетса кетсин, бойлик келса бас, қабилида иш тутиш-ку, бу?!

— Ҳа, шундай, Буёғини эшитинг энди. 1986 йилда самолёт ёрдамида химикат сепилди. Оқибатда заҳарланиш авжига чиқди. Чорва моллари, соғин сигирлар гоҳ тумшуқларини ерга тираб, гоҳ оёқларини қоқиб, жон талвасасига тушдилар. Энгельс номли колхозда тамаки узувида қатнашаётган бир аёл икки дона помидорни ариқ сувига чайиб егани учун қаттиқ заҳарланди ва ҳалок бўлди. Афсуски, бунақа аянчли воқеалар кўзни очмаяпти. Тамакикорлар ўз қўллари билан ўзларини заҳарлашни давом эттирмоқдалар. Шу йил сентябрь ойи бошларида Абу Али ибн Сино номли совхоз дирекцияси кутилмаган «ташаббус» билан чиқди: хўжаликка «келишув» йўли билан вертолёт олиб келинди, у ҳафта давомида хўжалик территорияси устидан учиб, ўз билганича химикат сепди. Ҳаводан сочилаётган заҳар тагида катта ёшдагилар, болалар, чорва моллари, сабзавот экинлари, боғ-роғлар қолди...

Статистик маълумотларга назар солдим. «БИ-58» (ГДР) иссиқ қонли жониворлар учун ўртача заҳарли ҳисобланиб, тамаки «ширинча»сига қарши сувга қўшиб ишлатилади. 1985 йилга қадар самолёт ва вертолётлар ёрдамида Ургут тамакизорларига мунтазам сепиб келинган. 1986 йилдан ер усти агрегатларидан пуркашга ўтилаяпти. 1985 йилда 256 тонна препарат олти марта дорилашда сарфланган. 1986 йилда 146 тонна камайтирилиб, 110 тонна атрофида ишлатилган. Юбилей йилида 86 тонна «БИ-58» уч марта дорилашда истеъфода этилган. Бундан ташқари шудгорланган тамакизорларга «гексохлоран» ҳам сепиб борилган. Зараркунандаларга қарши курашнинг биологик усулига ўтиш суст бормоқда. Хуллас, 21.058 оилавий звенога бўлиб берилган майдонларда иш ана шу йўсинда ташкил этилган.

Ургут район партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири Йўлдош Бобоевга мурожаат қилдик:

— Тамаки етиштириш оилавий пудрат асосида олиб борилаётганини қандай баҳолайсиз? Никотиномания ўсимлиги бўлган тамакини оналар ва болалар иштирокида етиштириш инсон омилидан тўғри фойдаланишга кирадими ёки бунинг аксими?

Бўлим мудирининг бу борада ўз фикри йўқ экан. У узоқ гапирди, аммо саволга жавоб бермади.

Районни кезиб, оилавий пудрат бўйича ишлаётган бир қанча хонадонларнинг яшаш шароити билан танишдик. Суҳбатлардан шу нарса аниқ бўлдики, тамаки тизиш ва тойлаш мавсумида баъзи оилаларда ниҳоятда қаттиқ «тартиб» ўрнатилар экан. Телевизор, радио ва газета-журналлардан фойдаланиш (иш унумини пасайтирармиш), уч-тўрт соатлик уйқудан ташқари ҳордиқ чиқариш, янги йилга қадар кир ювиш, ҳаммомга тушиш, хамир қориб, тандирда нон ёпишга рухсат берилмайди. Бойликка ҳирс қўйган оила бошлиқлари кечалари тамаки тойлаш учун бўғоналарга электр чироғи ҳам ўтказиб олишган. Кундузи барг узиб, ипга тизиб толиқишдан қатъий назар, тун бўйи зах ва рутубатли бўғонада тамаки тойланади. Мақсад эса саломатликни йўқотиб бўлса-да бойлик тўплаш, сўнгра ҳашаматли уй-жой қуриб, кимўзарга дабдабали тўйлар ўтказиб, игна учи билан мисқоллаб йиғилган давлатни бир неча кунда паншаха уриб совуришдан иборат...

Йўл устида Ильич номли колхознинг илғор тамакикори, «Шавкатли меҳнати учун» медали соҳибаси Мақсуда Эшонқулова хонадонига кирдик. Олти фарзанднинг онаси, қайнона ва қайнотали М. Эшонқулова эри билан тотув яшайди. Ўтган йили 9 минг сўм даромад қилишибди, бу йил анча ошади. Рўзғор учун керакли ҳамма нарса бор, меҳмонга дастурхон ҳамиша очиқ. Фақат... фақат ҳовли ўртасидаги кенг айвонда бир арим минг килограмм тамаки шодалари уюлиб турар, бутун ҳовли ўткир ҳидга тўла эди. Айвонда болалар ўйнашар, қўланса ис уларнинг димоғини аллақачонлар карахт қилганди...

Крупская номли колхоз правлениеси раиси Насимбой Қурбонов билан илғор тамакикор Ҳамза Юнусова бекалик қилаётган хонадонда бўлдик. Ҳамза опа етти қиз ва икки ўғилнинг онаси. Ҳар йили ўғли, келини ва фарзандлари билан 90 сотих ерда тамаки етиштирар экан. Ўтган йили 3.750 килограмм барг топширган бўлса, бу йил 4.500 килограммни мўлжаллаб турибди.

Юз-кўзи Ҳамза опанинг ўзига ўхшаб турган қизи — Фрунзе номли мактабнинг 7-синф ўқувчиси Гулчеҳра дастурхонга чой келтириб қўйди.

— Онангизга қайси юмушларда кўмаклашяпсиз? — сўрадим ундан.

— Тамакини ипга тизишда, — деди Гулчеҳра. — Кичиклигимдан бу ишни ўрганиб олганман. Ҳозир онамдан орқада қолмайман...

Крупская номли колхоз иқтисодий бақувват хўжаликлардан бири. Ўтган йили 20 миллион сўм даромад қилганди, энди эса 27 миллиондан ошиши кутилмоқда. Колхозчиларнинг турар жой ва маданий-маиший шароитини яхшилаш борасида сезиларли ишлар қилинмоқда. Пишиқ ғиштдан мактаб, болалар боғчаси, магазин, ҳаммом, маиший хизмат кўрсатиш уйи, шифохона бунёд этилган. Кўчалар равон. Фақат бу биноларнинг эшик-деразаларига қадар яқинлаштирилиб тамаки ўстирилганлигидан ранжийсан киши. Атрофида гулу гулзор деярли кўринмайди.

Шуниси ажабланарлики, хўжаликларнинг бирортасида ҳам барг қуритиш учун махсус саройлар барпо этилмаган. Натижада у қоидага хилоф равишда хонадонлардаги уйларда қуритилмоқда. Бу эса аҳоли саломатлигининг издан чиқишига сабаб бўлаяпти.

Болалар боғчаси яқинидан ўтар эканмиз, беихтиёр ерда сочилиб ётган ўйинчоқлар диққатимни тортди. Кичкинтойлар буларга бепарво қараб туришарди. Фақат бир қизча оёғидан ипга боғланган олтин сочли қўғирчоқни тупроқда судраб юрарди...

ГАЗЕТА КУРАШ БОШЛАДИ

«Октябрь алангаси» газета редакцияси камчилигини тез англаб етди. Журналистлар тамакини «яшил олтин» деб, уни етиштирувчини эса «яшил олтин ижодкори» деб шарафлаш мутлақо ўринсиз эканлигини фаҳмлашди. Тўғри-да, олтин — оқми, қорами, яшилми — қанақанги рангда бўлмасин, ўз номи билан олтин. У кишини бойликка, шахсий манфаатга ружу қўйишга ундаб, бу йўлда ҳар қандай пасткашликдан қайтмасликка маккорона рағбатлантириб туради. Бу сўз замиридан ҳақиқий ватанпарварлик ва инсонийлик ҳислари-ни, олижаноб туйғуларни излаш беҳуда!

Газетанинг 1987 йил 5 сентябрь сонида босилган «Соғлик керакми, бойлик?» сарлавҳали мақола қалбларни тўлқинлантирди. Муаллиф Файзи Ҳайдаров аччиқ ҳақиқатни ўртага ташлаб, «башаранг қийшиқ бўлса ойнадан ўпкалама» қабилида фикр юритган эди. Ушбу сон қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Редакцияга хатлар ёғилди. Газета чиқа бошлаганидан буён бунчалик кўп хат келмаганди. Ўқувчи ёшлар, колхозчилар, зиёлилар, қаҳрамон оналар, қўйинг-ки, ҳамма «тамаки балоси»дан куйиниб ёзарди. Айримлари газета саҳифаларида эълон қилинди. Мичурин номли 26-ўрта мактаб ўқувчиси Гўзал Обидова ёзади: «Тонгда шудринг буланиб, барг узаман. Нонушта қилар-қилмай мактабга жўнайман. Ўқитувчи ўтган дарсни сўрагудай бўлса, тамаки тиздим, дейман. Бу гапни бир мен эмас, синфдаги ҳамма болалар айтишади... Бизга майлику-я, боғча ёшидаги кичкинтойлар ҳам азобда. Мен яшаётган 11-бригадада боғча йўқ. Гўдаклар-оналари, опалари ёки акаларига эргашиб, далага борадилар. Тамаки узилиб бўлгунча уват бошида тупроққа беланиб ўтирадилар. Ёзнинг жазирамаси, кузнинг изғирини гўдаклар соғлигига зарар етказмайди, деб ким айта олади?...»

Нотаниш сингил битган бу сатрларни ўқир эканман, боғча ва мактаб эшигига қадар тақаб экилган ўсимликнинг бадбўй ҳиди яна димоғимда анқийди. Кўз ўнгимда оёғидан ипга боғланган олтин сочли қўғирчоқни маъюс судраб бораётган қизалоқлар, оқ деворга қурбақани чалпак қилиб отаётган болалар гавдаланади..

Яна бир нотаниш сингил — Усмон Юсупов номли 84-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Зоҳида Алиқулова ёзган хатга кўз югуртираман: «Ўқувчилар ҳақиқатан ҳам дарсларга келишмайди. Нега биз, ўқувчилар тамакини бунча ўйлаб қолдик? Нега «дарсим қолиб кетди» деган фикри бизда пайдо бўлмайди? Бизларни на ота-оналаримиз, на ўқитувчиларимиз ўйлашаяпти. Тақдиримиз бошқачароқ кечишини, яъни аъло ўқишни, келажакда ўзимиз севган касб эгаси бўлишни жуда-жуда истаймиз. Бунинг учун ўқувчиларни тамакидан ажратиш керак...»

Ҳали 17 ёшга тўлмаган, покиза қалби бахтли келажак орзу-умидлари билан тўлиб-тошган мўъжаз юрак илтижоси ана шундай. Унга Ургутдаги 105 та мактабда таълим олаётган 51 минг нафар ўқувчилар жўр бўлишади. Ахир 1987 йил 7 сентябрдан эътиборан райондаги 69 та ўрта мактаб давоматида талабаларнинг ярми қайд этилмагани рост-ку! 3.247 ўқитувчининг кўпчилиги тамаки даромади кетидан қувиб юрганлигини нима деб баҳолаш мумкин!

«Москва» колхозининг 7-бригадаси аъзолари И. Эшонқулова ва С. Хўжақуловлар ёзишибди: «Соғлиқ керакми, бойлик?» мақоласида долзарб масала кўтарилган. Бунақаси бизнинг қишлоқда ҳам учрайди. Масалан яқинда ҳамқишлоқларимиздан бирининг сигири дори сепилган ерда ўтлаб, ўлиб қолди. Молни йиқитган дори одамларга зарар етказмайдими? Биз истардик-ки, тамаки камроқ экилиб, унинг ўрнига боғ-роғлар барпо этилсин. Яхши меҳнат қилинса, боғдорчиликдан ҳам катта даромад кўрса бўлади...»

Газета ходими А. Мелибоев куйиниб ёзади: «Касбим буюради, турли касб кишилари ҳузурида бўламан. Ким билан учрашмай, суҳбатлашмай, қалбларни чексиз алам, изтироб ўртаётганининг шоҳиди бўламан, Маъюс нигоҳларда биз олтинга менгзаган аччиқ тамакидан қутулиш ташвиши муҳрланган...

Район бирлашган шифохонасининг шундоққина қаршисида тамаки ферментлаш заводи жойлашганлиги етмаганидек, Максим Горький номли колхоз раҳбарлари шифохонага кираверишдаги ҳосилдор токзорларни кестириб, ўрнига аччиқ тамаки эктиришганига нима дейсиз? Боз устига улар худди ўша ердаги мевали боғнинг ичини ҳам тамакига бериб қўйишганига-чи? Ильич номли колхоз раҳбарлари эса Ургут—Самарқанд йўлининг шундоққина бўйидаги токзорларнинг катта қисмини бузиб, тамаки плантациясига айлантирдилар. Ваҳоланки, ҳар иккала хўжаликларда ҳам давлатга майиз, узум, қуруқ мева сотиш планлари сурункасига бажарилмай келаяпти» («Октябрь алангаси»нинг 29 октябрь сони).

Газетада ана шундай куйинчак мақолалар ёритилмоқда. Редакция, кечикиб бўлса-да, бошлаган хайрли қурашини дадил давом эттириши керак. 141 бошланғич партия ташкилотига бирлашган ва партиявий топшириққа эга бўлган 3.214 коммунист, қолаверса район партия комитети ўз матбуот органи чиқишларини қўллаб-қувватлайди, дея умид қиламиз.

САКСОН ОТА НИМА ДЕЙДИ?

Олим ва ёзувчи Абдурашид Абдураҳмоновнинг Ургут тарихига бағишланган рисоласини ўқиб чиқиб, кўп нарсаларни англаб етдим. Рисолада қадимий воҳанинг узоқ ўтмиши ва Буюк инқилобдан кейинги ривожланиши аниқ далиллар асосида чуқур ёритилган. Чунончи, унда қуйидаги маълумотларни учратдим: «Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида Ургут сўзининг келиб чиқиши ҳақида шундай дейилган: унинг номи Аркат, Уркат, Аркан шаклида юритилади. Аркат сўзи «аркли қўрғон, қалъа» маънолариди билдиради... Академик В. В. Бартольднинг «Мўғуллар даврида Туркистон» асарида кўрсатилишича араб солномачиси Ибн Ховқал Ургут табиати ҳақида шундай ёзиб қолдирган: «Самарқанднинг жанубида Шовдор (ҳозирги Зарафшон) тоғлари жойлашган. Атрофда бу вилоятчалик киши саломатлиги учун тоза ҳаволи маскан, серҳосил экинзор, энг яхши мевазор боғлар йўқ. Кишиларнинг қадди келишган, юзлари ёруғ...»

Мен бу жумлаларни ургутлик 72 яшар деҳқон Саксон ота Ҳамроевга ўқиб бердим.

— Нимасини айтасиз, ўғлим, — деди отахон ўйчан. — Ҳатто Улуғ Ватан урушидан илгари бизда ана шундай «қадди келишган, юзлари ёруғ» паҳлавонлар, Олтмишбой, Етмишбой, Саксонбой, Тўқсонбой ва ҳатто Юзбойлар кўп эди. Энди бунақалар мутлақо учрамайди. Одамларнинг юзлари йилдан-йилга заҳиллашиб, сиҳатига путур етмоқда. Ҳаммасига тамаки балоси айбдор. Унинг даромади соз бўлгани билан буромади касофат. Бир тоғ наридан жаҳонгир полвонлар (отахон икки марта жаҳон чемпиони китоблик Сайфиддин Ходиевни назарда тутаяпти) чиқаяпти. Бу ернинг йигитлари бир фарсаҳ чополмай, ерга узала тушади. Ургутлик бўзболалар совринни кураш-дан эмас, тамакидан олишаяпти. Қизларимизнинг ҳусну латофати тамакизорларда қолиб кетаяпти...

Саксон ота билан Ургут бозорларини айландик. Кўкатбозорда анор, олма, узум, нок, сабзавот маҳсулотлари бор. Аммо улар қўшни Китоб районининг «Варганза» совхозидан, Самарқанд, Паст Дарғом ва Шаҳрисабздан олиб келинган. Шунинг учун ҳам нарх-наво анча баланд. Ургутлик деҳқонлар токзорларни, мевазор боғларини кесиб, унумдор ерларини тамакига бўшатиб беришгани учун ҳам бугунги кунда бозордаги сабзавот ва мева-чевага кўз тикиб қолишган.

Маҳаллий аҳоли «латтабозор» деб атайдиган жойда ҳам бўлдик. Бу ерда юзлаб қиз-жувонлар халқ ҳунармандчилиги усталари, тамакидан бўшаб тиккан каштаклари, қавиғи нозик тўн ва дўппилари, зардўзлик санъати намуналарини оёқда тик туриб кўз-кўз қилишарди. Очиғи бир пайтлар нафислиги билан донг таратган Ургут каштаклари, сўзаналари дағаллашиб бораётганлиги сезилади. Шу сабабли улар унча харидоргир эмас. Бошқа турдаги халқ ҳунармандчилиги маҳсулотларига ҳам ихлос билан сайқал бериш, нозик санъатга интилиш сезилмайди.

Саксон ота хайрлашув олдидан деди:

— Ургут тоғи ёнбағирларида, тоғ-тош ва қирларида, токзорларда узумнинг ҳусайни, чарос, мускат, тойфи, бахтиёр, шакарангур, васарға, оқкишмиш, қоракишмиш, султони каби навлари яйраб ўсарди. Урушдан кейинги йилларда ҳам узумдан мўл ҳосил олганмиз. Энди эса сархил узум навлари камайиб кетди. Ургутда узумчиликни қайта тиклаш зарур. Биргина оқкишмишнинг ўзи тамакига тенг даромад беради. Одамларга бир нима бўлган ўзи, йўқса шакар турганда заҳарни танлашармиди? Тамаки ҳиди соч-соқолгача уриб кетдику! Ишонинг: янги йил оқшомида арчанинг хушбўйи эмас, тамакининг аччиқ ҳиди анқиб туради...

Саксон ота анча тажанг ҳолда мулоҳаза юритган бўлса ҳам, барибир у киши ҳақ. 21.058 оилавий звено тамаки эмас, узум ва мева-чева етиштириш билан шуғуллангани маъқул эмасми? «Эл соғлиги — юрт бойлиги» деб бекорга айтишмаган-ку! Шифокорларнинг айтишларига қараганда, тамакикорларнинг кўпчилиги, айниқса хотин-қизлар ва болалар ўртасида турли хасталиклар тобора кўпаймоқда. Бу эса ғоят ташвишланарли ҳол.

Маълумотлар Ургут районида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражаси ғоят пастлигини кўрсатмоқда. Агар 1986 йилда аҳоли жон бошига медицина хизмати кўрсатиш мамлакатимиз миқёсида 59 сўм, Ўзбекистонда 54,6 сўмлик бўлса, Ургутда бу рақам 19,8 сўмга тўғри келди. 1987 йилда район меҳнаткашлари саломатлигини муҳофаза қилишга 4 миллион 376 минг сўм ажратилган бўлиб, аҳоли жон бошига олиб қараганда 20,5 сўмни ташкил этади. Кўринди турибдики, аҳолиси 213 минг кишидан ошиб кетган районда медицина хизмати кўрсатиш даражасини кескин ошириш шу куннинг талаби бўлиб қолмоқда.

Сиҳат-саломатлик ҳар бир киши учун неъмат ва бахт-саодат, меҳнат унумдорлигини, мамлакатнинг иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини ўстиришнинг зарур шартидир. Коммунистик партия билан Совет давлатининг ҳар бир граждан соғлиғи тўғрисидаги ғамхўрлиги инсонпарварлик, социал-адолат принципларига мос тушади, ҳозир социалистик жамиятнинг равнақи мақсадларига хизмат қилади, келгусида унинг иқтисодий ҳамда социал фаровонлиги учун пойдевор қўяди.

* * *

Дўстлар билан «Чорчинор»ни кезиб, минг йиллик азим чинорларни, тиниқ чашмаларни, ўрмонларни зиёрат этдик. Район меҳнаткашларининг дам олиш зонаси — «Тўпхона»да бўлиб, беш чақиримга чўзилган «соғломлаштириш сўқмоқлари»да сайр этдик. Баландликдан Ургутнинг бор манзараси ажиб тиниқлик билан кўзга ташланарди: қорли тоғлар, қирадирлар, чинорзорлар, кичик-кичик боғлар... Барибир, нигоҳингиз сахий далаларни узоқ йиллардан буён қамраб ётган тамакизор билан тўқнаш келади. Шунда ер қадрини билган, ҳаёт тотини қадрлаган ҳар бир киши ранжийди. Ахир она-замин инсонни мол-мулк билан бойитиш учун эмас, балки ноз-неъматлари билан тўйдириш учун яралган-ку!

Ургутнинг унумдор тупроғи яна бир ҳосилдан бўшади. Энди у қор кўрпага ўраниб, безовта мудрайди, то эрта баҳоргача ширин-шарбат мевали боғларни, тарс ёрилувчи қовунтарвузларни, сайроқи қушларни туш кўрса ажабмас. Негаки, бу далалар заҳарли ўсимлик эмас, шакарли ўсимликлар ўстиришни соғиниб қолган...

Тошкент — Самарқанд — Ургут.
1987 йил ноябрь.

Озиқ-овқат программаси бўғинлари

САБЗАВОТКОРГА НИМА ЁРДАМ БЕРДИ?

Чортоқ районидаги «Ленинизм» совхози сабзавотчиликка ихтисослашганига 15 йилдан ошди. Ўшандан буён хўжаликда маҳсулот етиштириш салмоғи кўпаймоқда. 1987 йилда қарийб 14 минг тонна дала неъмати йиғиштириб олиниб, эл дастурхонига тортиқ қилинди.

Совхозда помидор асосий экин ҳисобланса-да, аввалларги айни шу соҳада қолоқлик ҳукм сурарди. Яъни топшириқ сўнгги марта 1975 йилда уддаланган, ўшанда гектар ҳосилдорлиги 200 центнердан сал ошган эди.

1987 йилнинг бошида совхознинг янги раҳбарлари план бажарилмаслигининг сабабларини таҳлил қилганларида кўп нарса ойдинлашди. Аввало мутахассислардан бошлаб ишчиларгача зиммаларига юклатилган ишга масъулият билан ёндашишни тамомила унутишган эди. Тўла гектарлар ҳосил қилинмас, алмашлаб экиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, агротехника қоидаларига риоя этилмасди. Шунда ҳар бир сабзавоткорнинг жавобгарлигини ошириш асосий вазифа қилиб қўйилди.

— 1986 йилда, — деб ҳикоя қилади бош бухгалтер Исроилжон Нарзуллаев, — 112 гектар майдонда помидор пудрат усулида парвариш қилинди. Ҳосилдорлик чакки бўлмади: гектар ҳосибига ўртача 330 центнердан маҳсулот саранжомланди. Қолган 130 гектарда эса бу кўрсаткич 220 центнерни ташкил этди, холос.

Таҳлил янги усулнинг самарадорлигини тўла исботладики, натижада ягона фикрга келинди: ёппасига пудратга ўтиш керак!

Оилавий звенолар хонадонларнинг имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилди. Масалан, бир оилага икки гектардан, бошқаларига бир ёки ярим гектардан ер ажратилди. Топшириқ гектар ҳосибига 33 тонна қилиб белгиланди. Ҳар оилага ҳосилни йиғиштириб олгунча ойига бир гектар учун 140 сўмдан аванс тақсимланди. Агар у пландагидан кўп маҳсулот топширса, фойдасининг 70 процентигача олиши мумкин. Бу сабзавоткорларнинг ҳаммасига яхшилаб тушунтирилди.

Теплица хўжалиги иши алоҳида назорат остига олинди. Топшириққа кўра 15 миллион туп кўчат ўстирилиши лозим эди. Бу зиёдаси билан уддаланди. Апрелнинг охирида ниҳолларни кўчириб ўтқазишга қизғин киришилди. Ана шу юмушга олдингидек ўқувчилар жалб этилмаган бўлса-да, қисқа муддатда, сифатли тугалланди. Натижада меҳнат унумдорлиги ошди.

Ҳосил тезлик билан, нест-нобуд қилинмасдан йиғиштириб олинганлиги туфайли 12 йил мобайнида биринчи марта план адо этилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 330 центнерга баробар бўлди. Шаҳарликлар дастурхонига ва Наманган консерва заводига 8.600 тонна маҳсулот етказиб берилди. Муяссар Назирова, Латифа Ортиқова, Нисохон Нарзуллаева, Ҳадича Тожибоева бошлиқ звенолар эса 530 центнерлик маррани забт этдилар.

— Бизда ҳали ечимини кутаётган муаммолар бор, — дейди совхоз директори Исоқжон Исмоилов. — Аввало ер саховатини янада оширишга эришишимиз керак. Иккинчидан, биз помидорни Наманган консерва заводига топширамиз. Бунинг учун 50 километр йўлни босиб ўтишга тўғри келади. Устига устак, корхона қувватидан кун бўйи неъматни қабул қилишга ожиз. Прицепларнинг 2—3 кунлаб навбат кутиб туриши натижасида кўп миқдорда помидор нобуд бўлаяпти. Бизнингча, Чортоқ районининг ўзида консерва заводи қурилиши зарур. Ахир бу ерда 2 та йирик сабзавотчилик, 7 та боғдорчилик совхози мавжуд. Бу ҳақда Чортоқ РАПОси ва Наманган область агросаноат комитети раҳбарлари ўйлаб кўрсалар нур устига аъло нур бўларди.

У. МУМИНОВ.

НАМАНГАННИНГ БИР КУНИ

ИБРАТЛИ ОИЛА

Сиз мабодо Чустдаги Дўзанда маҳалласига бориб қолсангиз, Уктамали Убайдуллаев хонадонини ҳамма фахр билан таърифлайди. Бу бежиз эмас. Чунки оилaнинг ҳар бир аъзоси одоб-ахлоқи, меҳнатсеварлиги билан эътибор қозониб келаётир.

Қаҳрамон она Олиятхон ўз жигарбандлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. У турмуш ўртоғи Уктамали билан ўн икки фарзанди тарбиялаяпти. Уларнинг аксарияти турли соҳаларда меҳнат қилишаётир. Раҳимжон монтёрлик, Каримжон, Шокиржон ва Бурҳонжон механизаторлик касбини шарафлашаяпти. Насиба эса пахтакор. Зокиржон Совет Армияси сафида йигитлик бурчини ўтаётир. Ўтган йили оила аъзолари яна тўрт кишига кўпайди: улар сафига икки келин ва икки набира қўшилдилар.

«ГУЛБАҲОР» ТАРОНАЛАРИ

Учқўрғон район маданият уйининг «Гулбаҳор» ашула ва рақс ансамбли меҳнат аҳлига кўп йиллардан бери намунали хизмат кўрсатаяпти. Бу аҳил коллектив айниқса ҳар йилги пахта йиғими-терими пайтида ўз ўрнини далада деб билади. Ўтган йили ҳам шундай бўлди. Улар кўплаб хўжаликларда ранг-баранг концертлар бердилар.

«Гулбаҳор» Янги йил арафасида ўз репертуарини янада бойитди. Бунда ансамблнинг Феруза Иброҳимова, Ҳусанбой Қаҳҳоров, Жўрабой Исмонов, Абдурашид Тожибоев сингари аъзолари фаоллик кўрсатдилар. Улар айни кунларда район хўжаликлари, корхона ва ташкилотларида қизиқарли концертлар кўрсатишаётир.

МЕҲНАТ ЭЪЗОЗИ

КПСС XXV съезди номли Наманган аврли шойи газламалар бирлашмасининг бир қатор коллективлари муносиб тақдирландилар. Жумладан, Қутбиддин Мансуров бошлиқ тўқувчиларга «Аъло сифатли маҳсулот ва юксак самарали меҳнат бригадаси» унвони берилди. Шунингдек, бу коллектив фахрий ёрлиқ ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Илғор пилла ўровчи Саъдихон Маҳкамова эса «Энг яхши ишчи» деган шарафли номга сазовор бўлди.

КИЧКИНТОЙЛАР АРДОҚДА

Карл Маркс номли колхозининг [Тўрақўрғон районi] Киров номли участкасида жойлашган болалар боғчаси Янги йилда ўзгача манзара касб этди. Бу ерда бўлсангиз, гўё ўзингизни эрталар оламига кириб қолгандай ҳис этасиз. Бунинг учун боғча мураббийлари озмунча меҳнат қилмадилар. Кичкинтойлар учун ранг-баранг безатилган арча тайёрладилар. Ана шу қизиқарли тадбирларни амалга оширишда Лобар Эргашева, Изолат Йўлдошева сингари тарбиячиларнинг хизматлари катта бўлди.

— Колхозчиларнинг 70 фарзанди тарбияланаётган боғчамизда барча шароит мавжуд, —дейди Маъсуда Мирзабоева. — 11 хона керакли анжомлар билан жиҳозланган. Уларда жажжилар билан тез-тез қизиқарли ўйин, машғулотлар ўтказиб турамиз.

СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

Фарғонада оғир атлетика бўйича касаба союзлари кўнгилли физкультура ва спорт жамияти республика совети биринчилиги ўтказилди. Унда наманганлик икки спортчи совриндор бўлди. 75 килограммгача вазнда иштирок этган Б. Шарабиров ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. К. Белоконь эса учинчи ўринни эгаллади.

Н. МУСАБОЕВ.

Қишки таътил

ҲАР КУНИ МАРОҚЛИ ТАДБИР

Мактабимизда ўқувчиларнинг қишки таътилини мазмунли ва кўнгилли ўтказиш учун аввалдан махсус план тузилиб, педагогика кенгашида муҳокама қилинди. Бу планга мувофиқ 1.800 дан зиёд ўқувчининг ҳаммаси байрамга жалб қилиниши керак эди. Аввало шуни айтиш керакки, мактабда ўтказилган арча байрамида бошланғич синфлар, шунингдек 5—7-синфларнинг ўқувчилари фаол қатнашдилар. Кўркам арча атрофидаги тантаналар қувноқ ўтиши учун ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Қодировлар, Раъно Абдуразоқова сингари ўқувчиларимиз жонбозлик кўрсатишди. Юқори синфларда таълим олаётган ўғил ва қизларнинг «Огонёк» адабий кечаси ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Бундан ташқари Салоҳиддин Полвонов, Мақсуджон Мустафин синфари синф раҳбарлари болаларни шаҳримиздаги ўлкашунослик музейига экскурсияга олиб бордилар. Азизахон Маликова ва Тожиддин Отамирзаев каби ўқитувчиларимиз эса адабиёт ихлосмандларини Алишер Навоий номидаги музейда шаҳримизда яшаб ўтган, маданиятимиз хазинасига ҳисса қўшган шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ҳамда ижоди билан таништирдилар.

Мукаррамхон Йўлдошхонова бир гуруҳ ўқувчиларни Қўқонга олиб борди. Болалар у ерда Ўзбекистон тарихига оид материалларни ўргандилар.

Бошланғич синф ўқувчиларининг «Лола» қўғирчоқ театрига тез-тез бориб туришлари ҳам қишки таътил кунларининг қўнгилли ўтишига ёрдам бермоқда.

Маълумки, ҳар йили январь ойида мактаб ўқувчиларининг турли фанлар бўйича олимпиадалари ўтказилади. Пионер ва комсомоллар ўзига хос бу имтиҳонга қизғин тайёргарлик кўрадилар. Бизнинг мактабимиздан Муҳайё Аҳмедова, Мамлакат Мамажонова каби 9-синф ўқувчилари ана шу олимпиадаларга пухта тайёрланмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, ўқувчиларимиз қишки таътил кунларини қўнгилли ўтказиб, ўқув йилининг иккинчи ярмини яхши кайфият билан бошлашларига ишончимиз комил.

Э. АЙСАРОВ,
Андижон шаҳридаги 27-мактаб ўқитувчиси.

Бекобод районидаги Ҳамид Олимжон номли мактабда Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Мамаднёр Бўтабоев ташкил этган ўлкашунослик музейи қишки каникул кунларида айниқса гавжум. Ўқувчилар бу ердаги юздан ортиқ экспонатни кўздан кечириб, ўзларини қизиқтирган саволлар билан устозга мурожаат қиладилар.

СУРАТДА: М. Бўтабоев ўқувчилар даврасида.

М. ҚОРАБЕКОВ фотоси.

ҲИКОЯДА ҲАЁТ АКС ЭТСА...

ҲАВАСКОРЛАРНИНГ МАШҚЛАРИНИ ЎҚИБ

Буюк рус адиби Александр Иванович Куприн ҳикоялари, унинг беқиёс маҳорати ҳақида бошқа бир машҳур рус ёзувчиси Мамин-Сибиряк қуйидагича ёзади: «Нима учун у катта ёзувчи? Шунинг учунки, у ҳаётни билади. Ҳар бир майда-чуйдани ҳам жонлантиради, унда яшайди».

Мен ҳам Куприн ҳикояларини кўп бор ўқиб, унинг инсонга хос зийраклигига, бир-икки чизги билан ҳар қандай кишининг ҳам портретини қойилмақом қилиб яратиб бера олишига дил-дилимдан таҳсин ўқиганман. Ҳар гал унинг ҳикояларини ўқиганимда «бекорга Лев Толстой «Олга»ни ўқиб йиғламаган экан», — деган фикрни кўнглимдан ўтказаман.

Ҳозирги кунда адабиётимиз, хусусан ҳикоячилигимиз жуда юқори поғоналарга кўтарилаяпти. Тилга олиб мақтагудек, асарларини ардоқлаб ўқигудек Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов, Тоҳир Малик, Эмин Усмон сингари дилбар адибларимиз борлиги кўкрагимизни тоғдек баланд қилади. Айниқса тиришқоқ ҳаваскор адибларнинг кўплиги!

Айрим ҳаваскорлар борки, улар ҳаётни теран ҳис қиладилар, чуқур тушунадилар, аммо асарларида мукаммал таҳлил этишмайди. Буни уларнинг тажрибасизлигидан, етарли адабий-бадиий маҳорати бўлмаганлигидан, деб билиш керак.

Редакцияга келган ҳикояларнинг тематикаси ранг-баранг, қамров уфқи кенг, муаллифлари ҳам турли касб эгалари. Биз улар юборган асарларни жанр эътиборига кўра туркумларга бўлиб ўрганишни лозим кўрдик.

Дастлаб қатра ҳикоялар, этюдлар ҳақида.

Қатра ёки шингил ҳикояда одатда ортиқча тасвир, тафсилотлар бўлмайди, айтиладиган гап образли, қисқа қилиб очиб берилади.

Тошкентлик Турғун Жўраевнинг «Ўмр» шингил ҳикоясининг қаҳрамони Абдусаттор инқилобни кўрган, юз гирдибалолардан омон чиқиб, дориломон яшаётган отахон. Ҳатто унинг устига пенсия пулини ҳам ўйига келтириб беришади. Ҳикоя ҳам почтальоннинг нафақа келтиришидан бошланади. Абдусаттор ота ўтган кунларини эслайди. Ҳозирги бахтиёр турмушига шукроналар айтади.

Ҳикоя, аввало, бадиий бўшлиги учун жанр талабига жавоб беролмайди. У ҳикоядан кўра лавҳага ўхшайди. Муаллиф воқеани тиниқлаштириши, кичкина бир парчада совет турмуш тарзини кўрсатиши зарур эди. У эса, аксинча, баён қилиб қўя қолган!

Наманганлик Илёсжон Йўлдошевнинг «Арча билан наъматак», самарқандлиқ Муса Отамуродовнинг «Икки жуфт гул», Б. Хушвақтовнинг «Қуёшли осмон» қатралари ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Бу ижод ҳаваскамдлари сўз устида кўпроқ ишлашлари шарт кўринади.

Энди ҳажвиялар ҳақида.

Маълумки, ҳажв насрчилигимизда энг кескир жанр. Ундаги ҳар бир сўз воқеани, қаҳрамоннинг салбий характерини очишга, китобхон дилида унга нисбатан нафрат уйғотишга хизмат қилиши ва ниҳоят уларга қарши кураш зарурлигини уқтириши керак. Қисқача қилиб айтганда, иллатларнинг илдизига болта уриши лозим.

Редакцияга келган ҳажвияларда шу хусусият борми? Маълум маънода бор. Уларнинг барчасига мансуб бир камчилик ҳам мавжуд: бу тил ва мавзу масаласи.

Самарқандлик Жалил Мажидовнинг ҳажв борасида бирмунча қалами чархланиб қолгани унинг «Тажриба алмашиш», «Илк дарс», «Фазилат», «Фарқ», «Говмиш гурунги», «Ҳамкасблар», «Бахтли билет» сингари ҳажвияларидан кўриниб турибди. «Бахтли билет»да Мансур номли футбол ишқибозининг «Пахтакор» стадионига ютуқ кетидан бориб, бор пулини совуриб келиши қаламга олинади. Бу муаллиф ҳажвларининг тили ғичғина пухта эканлигини эътироф этган ҳолда уларда кўпроқ маиший масалалар ёритилишини, бу мавзуларда эса ўткир ҳажвлар борлигини, ёзганда улардан ўтказиб ёзиш зарурлигини айтиб ўтиш даркор. Бундан кейин у ўткир, долзарб мавзуларга қўл уриб, ўз устида янада жиддий ишласа, анча ютуқка эришиши мумкин.

Худди шу фикрни самарқандлик Жўра Нарзуллаевнинг «Вакил», «Комиссия келаверсин», наманганлик А. Раҳимовнинг «Ўз ҳурматини сақлаб қолди», андижонлик С. Мусабоевнинг «Илтимосчи», У. Абдусаломовнинг «Эчки гўшти ҳаромми?», фарғоналик З. Неъматовнинг шингил ҳажвлари, М. Арслоновнинг «Омадсиз элчилар», сурхондарёлик А. Бўроновнинг «Монолог», М. Утаевнинг «Урганган кўнгил» ҳажвлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Уларда айниқса сатирик асарлардаги энг муҳим қурол (ўткир, аччиқ) тил йўқлиги ҳажвияни сусайтириб юборган.

Фарғоналик Мавлуда Авазованинг «Илинж» ҳикоясида боланинг беғубор қалби, она изтироби, отанинг ўз фарзандидан кечолмаслиги баён қилинади. Муаллифнинг қалами анча чархланиб қолган. Лекин бу мавзуда янгилик яратиш мушкул. Биз янгилик кетидан қувмасак-да, ҳикоянинг ёзилиш услуби, анча етилиб қолган бадиий тилини қувонч билан эътироф этсак бўлади. Бу сўзимиз наманганлик М. Парпиевнинг «Янги қўшнилар», сурхондарёлик Ҳ. Тошевнинг «Юракдаги тош», гулистонлик Турғун Жамоловнинг «Тўй маслаҳати», тошкентлик М. Қаюмовнинг «Йигитлар рақс тушганда», андижонлик Ҳ. Ҳожимовнинг «Тасодиф», фарғоналик О. Омоновнинг «Номаълум киши», қашқадарёлик С. Шукуровнинг «Меҳнатнинг нони ширин» сингари ҳикояларига ҳам таллуқли. Уларни бирлаштирувчи ягона камчилик фақат мавзу доирасининг торлигидир.

Яна айрим ҳикоялар борки, ҳали уларни «ҳикоя» деб бўлмайди. Муаллифлар ўз асарларида бўлажак ҳикояларнинг сюжети, баённи ёзганлар, холос. Наманганлик Бахтиёр Султонов «Оғир тош» ҳикоясида қишлоқ мухбири бир мақола деб дуч келган машаққатларни қаламга олса, бекободлик К. Назаров «Хотинчалиш» ҳикоясида иччиликнинг кулгили оқибатларини тасвирлайди. Жиззахлик Э. Ўроқовнинг «Тилла кампир» ҳикоясида деҳқончиликдаги, хусусан қовун билан боғлиқ машмашалар ҳақида гап борса, фарғоналик Аҳмаджон Олимжоновнинг «Комиссиялар шарофати»да дала шийпонидаги кўзбўямачиликлар танқид қилинади. Ҳикояларда мақсад яхши. Ҳаваскор ёзувчилар ҳаётнинг турли жабҳаларида ўзлари дуч келган камчиликларни, юракларни ларзага солган воқеаларни қоғозга туширишган. Буни табриклаш керак.

Лекин айни пайтда бадиий асар қонун-қоидалари борки, уларни ҳам унутмаслик лозим. Шу жиҳатдан қараганда навоийлик Г. Муртазоеванинг «Ҳуршиданинг дадаси қайтсин», «Қизнинг хаёллари», «Чирмовуқлар» ҳикоялари характерлидир. Гулчеҳрадаги кузатувчанлик бизни хурсанд қилди. У оддий воқеаларни мавзу учун танлаб, уларни бадиий мушоҳада қилиб, ўқувчилар диққатига ҳавола этишга интилади. Лекин ҳали етарли тажрибага, билимга эга эмаслиги шундоққина кўриниб турибди.

«Анор» ҳикоясининг муаллифи сурхондарёлик Ш. Эргашев, «Баҳслашув»ни қаламга олган андижонлик М. Аҳмедов, «Автобусдаги воқеа»ни ёзган қашқадарёлик ҳаваскор Р. Менгиров, «Гиря» ҳикоясини жўнатган наманганлик Н. Мамадалиев, «Етим қизнинг бахти» хусусида фикр юритган фарғоналик Сайёра Акбарова ва, ниҳоят, «Юракларча чарақлайди бир юлдуз» очеркининг муаллифи Б. Полвонов ҳам ўз ижодлари ҳақида жиддий ўйлаб кўрадилар, деган умиддамиз. Улар баёнчилик, ҳаётдан узоқлик, таклид қилиш чинакам ижодкорга ёт эканлигини унутмасалар бўлгани.

Кўпгина ҳаваскорлар таржима қилишдек шарафли ишга қўл урганлар. Уларнинг бу ишларини табриклаш керак. Таржима қилганда қўлга тушган асарни эмас, қардош халқларнинг энг яхши асарларини ўзбек газетхонларига тақдим этиш зарур. Навоийлик Ёқут Умаров қозоқ адиби Мухтор Шеримовнинг «Хўп, бўлади», самарқандлик К. Синдоров рус адиби В. Лемакийнинг «Ҳаммаси жойида», хоразмлик У. Ўразметова И. Кечиннинг «Аэродромич» ҳикояларини ўзбек тилига ўгириб редакцияга жўнатганлар. Таржималарда кўтарилган мавзуда жуда кўплаб асарлар битилган. Иккинчидан, улар қандай таржима қилинган — аниқлаш мушкул. Чунки асарнинг асл нусхаси юборилмаган.

Ижод — бу обрў келтирадиган, шуҳратга кон соҳа эмас. Ижод ўзида пахтакорнинг машаққатларини, шахтёрнинг фидокорлигини, олимнинг зукколигини, қаҳрамоннинг мардлигини ва, ниҳоят, болаларча саммимийликни, покликни ўзида мужассамлаштиради. Шу нуқтаи назардан қараганда қишлоқ ҳаваскорлари ўз устларида жиддий ишлашлари, кўп тер тўкишлари, ўрганишлари зарур.

Юқорида Александр Иванович Куприни номини эслаб ўтдик. Бу бежиз эмас. Чунки Куприн каби рус ҳаётини, Мамин-Сибиряк айтганчалик «ҳидлаб» кўрган, уни юксак бадиий асар даражасига кўтарган адиблар бармоқ билан санарли. Демак, ҳар бир ижодкор, хоҳ у буюк адиб, хоҳ ҳаваскор бўлсин, ҳаётни ободон ўрганиши даркор.

Ҳикояни ҳаётдан олинган бир парча деб таърифлашади. Демак, шу парчада ҳаёт бор ҳақиқати, мусбат ва манфий томонлари, шодлиги ва ташвиши билан китобхон кўзи ўнгида гавдаланиши керак. Ҳаёт ҳақиқати бадиий акс этсагина, у ўқувчи қалбини ром қилади. Буни асло унутмаслик лозим.

Темир УБАЙДУЛЛО.

Рақоса хиром этганда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

МОСКВА АРЧАСИ ГРЕЦИЯДА

Греция пойтахтининг марказий кўчаларидан бирида Москва арчаси қад кўтарди. У Совет Иттифоқидан самолётда келтирилиб, Моссовет ижроия комитетидан маҳаллий шаҳар ҳокимиятига совға қилинди. Афина вице-мэри Ставрос Цахакосининг таъкидлашича, бу грециялиқларга жуда манзур бўлган.

НИМА ИШОНЧЛИ?

Ноёб буюмларнинг эгалари ўз бойликларини хавф-хатарсиз сақлашда ҳайвонот оламидаги «қўриқчи»ларга мурожаат этишмоқда. Масалан, Нью-Йоркдаги кўргазмада намойиш қилинган қадимги олтин тангалар ичида йиртқич балиқлар сузиб юрган идишга солиб қўйилган. Порт-Даврин [Австралия] шаҳрида банк дирекцияси бино тагидаги ертўлада тимсоҳларни сақлайди. Скарборо [Англия] шаҳрининг футбол клуби қимматбаҳо мукофотларни арслонлар ёрдамида қўриқлашади. Тилла буюмлар сотиладиган магазинларнинг витриналарида кечаси заҳарли илонлар ёки чаёнларни қолдиришади.

САВОДСИЗ ИНГЛИЗЛАР

Ланкастер университети олимларининг тадқиқотларига кўра етти миллион инглиз оддийгина ўқиш ва ёзишни билмайди. Уларнинг 44 проценти ўт ўчириш қондаларини тушунмайди, 26 проценти ишга жойлашиш тўғрисидаги анкетани тўғри тўлгаза олмайди.

ИККИ РЕКОРДЧИ

Икки инглизлик — узоқ масофага югурувчилар — Эверестдаги база лагеридан Непаль пойтахти — Катмандугача бўлган 265 километр масофани 82 соат 10 минутда босиб ўтишди. Улар непаллик югурувчининг кўрсаткичини 27 соатга камайтириб, янги рекорд қўйдилар.

— Хоним, бугун Маткаримни ўн бир марта мот қилдим.
— Қўшиб гапирмаяпсизми, дадаси!

М. ЖУРАЕВ чизган расм.

СПОРТ АХБОРОТИ

ФУТБОЛ

Бугун Москвада ФИФАнинг биринчи вице президенти В. А. Гранаткин хотираси ва ҳалқаро турнир бошланади. Учрашувлар ЦСКА футбол комплексидаги ёпиқ бинода ўтказилади. Бу сафарги мусобақада АҚШ, ГФР, Франция, ХХР, мамлакатимизнинг биринчи ва иккинчи терма командалари қатнашадилар.

Эслатиб ўтамиз: СССР-1 терма командаси бундай турнирда беш маротаба биринчи ўринни эгаллаган. ГФР футболчилари икки бор ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишган. СССР-1—ГФР терма командалари мусобақанинг охирги куни учрашишади.

ХОККЕЙ

Канадада ёшлар терма командалари ўртасида ўтказилган халқаро турнир ниҳоясига етди. Унда совет хоккейчилари биринчи ўринни эгаллашди. Вакилларимиз ҳал қилувчи матчда швециялик тенгқурларини 4:3 ҳисобида енгдилар. СССР-2 терма командаси Канада олимпиада терма командаси билан навбатдаги учрашувни ўтказди. Оттавада бўлган матчда майдон эгалари устун келдилар—2:0.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

Таллинда команда ҳисобида мамлакат биринчилиги ва СССР кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Унда республикамиз вакиллари, айниқса рапирачилар яхши иштирок этдилар. Жумладан, кубок баҳсида СССРда хизмат кўрсатган тренер И. Миркиннинг шогирди, спорт мастери Бахтиёр Абдиқулов учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақалар натижасига кўра СССР олимпиада терма командасига номзодлар аниқланди. Улар орасида Бахтиёр Абдиқулов, Дмитрий Казаков ва Валерий Захаревич ҳам бор.

ДЗЮ-ДО

СССР кубоги учун хотин-қизлар ўртасидаги команда мусобақалари Бокуда ўтказилди. «Меҳнат резервлари» терма командаси сафида республикамиз шарафини ҳимоя қилган А. Шаркаева ва Н. Қиёмова кумуш медалларни қўлга киритдилар.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ЖУМА, 8

● МТ I

7.00 **«120 минут».** Тонгги информацион-музикали программа.
9.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади.
9.30 «Мени шундайлигимча ёдда сақланг». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
10.35 **«Қайта қуриш: тажриба ва муаммолар».** Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси.
11.15 «Рус фантазияси». Фильм-концерт.
12.05 Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар.
16.10 «Қайта қуриш прожектори».
16.20 «Дўстларга мурожаат этаман». Шоир Я. Смеляков ижоди ҳақида телефильм.
17.15 **«Кремлнинг Съездлар саройида Янги йил арча байрами».**
18.05 **«Демократияга ўрганмоқдамиз».** Совет жамиятини демократиялаштиришнинг асосий йўналишлари.
18.35 Мультфильмлар: «Хаёлпараст», «Ажойиб қўнғироқча».
19.05 **Волгоград телевидение студиясининг программаси.**
20.00 «Дунё воқеалари».
20.20 **«Мени шундайлигимча ёдда сақланг».** Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Будапешт калейдоскопи».
23.30 «Днестр эскизлари». Телефильм.
23.50 «Нигоҳ». Тунги информацион-музикали программа.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильмлар: «Буюк ойиб Куросно», «Сирлар кўмулмоқлар денгизи». «Водий». 10.20 Хабаровск филармониясининг камер оркестри чалади. 10.45 Мультфильмлар. 11.15 «Ўткинчи бўлишни истамайман». Телевизион бадиий фильм премьераси («Туркманфильм»). 12.20 Инглиз тили. 2-йил шугулланаётганлар учун. 12.50 «Г. Генделнинг «Альцина» операсидан куйлар». Фильм-концерт. 13.10 «Резидент» операциясининг тугатилиши». Бадиий фильм. 2-серия. 14.20 Адабий портрет. Фозил Искандар. 15.20 «Биз хорда куйлашни хоҳлаймиз». Мактаб хор коллективларининг концерти. 16.00 «XXI асрга экспедиция». 6-кўрсатув. 17.00 Янгиликлар.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 «Шу бизми?». Телефильм. 19.15 Реклама. 19.20 Ўтган йилларнинг севимли куйлари. 19.45 «Хайрли тун, Зеленая Дубрава...». Ҳужжатли фильм. 20.00 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Нима нимага ўхшайди?». Мультфильм. 20.45 СССР халқ артисти М. Биешу ҳамда СССР Давлат телерадиосининг эстрада симфоник оркестри концерти. 21.30 **«Время».** 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Резидент» операциясининг тугатилиши». Бадиий фильм. 2-серия. 23.25 Баскетбол. СССР чемпионати. Эркаклар. «Динамо» (Москва) — «Калев». 00.05 Янгиликлар.

● ЎзТВ

6.55 Ритмик гимнастика.
7.20 «Аксиома». Ҳужжатли фильм.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 «Салом, кичкинтойлар!».
8.00 Уринбосарлар улгаймоқда. «Васканов нима экди?». Телефильм.

* * *

16.45 «Қуёшли уй». Телефильм.
16.55 Болалар учун фильм. «Хаёлпараслар».
18.00 Янгиликлар.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Болалар учун фильм. «Ёрдамчилар мактаби», «Менинг — Буғулар мамлакатим».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Телевизион сиёсий клуб.
19.30 **«Ахборот»** (рус.).
19.45 «Қайта қуриш қирралари». Муаммолар ва ечимлар (рус.).
20.30 **«Ахборот».**
20.50 «Деҳқоним менинг». Музикали программа.
21.30 Москва. **«Время».**
22.05 Э. Мусаев, Э. Раимов. «Дардисар». Видеофильм. 2-қисм (такрор).
23.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Болалар учун фильм. «Фараз қилайлик, сен капитансан». 20.35 Ритмик гимнастика. 21.00 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». 21.30 Москва. **«Время».**

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.15 «Оқ маликанинг юриши». Бадиий фильм (рус.).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1988 йил январдан совет ва чет эл газета ҳамда журналларига 1989 йил учун ОБУНА БОШЛАНДИ

(лимит белгиланган даврий нашрлар бундан мустасно, уларга обуна 1 августдан 1 ноябргача қабул қилинади).

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» республика агентлиги.

Редактор А. Г. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р. — 13612. А. 1002. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.